

Ўзбекистон Республикаси
Мактабгача таълим вазирининг
2020 йил 27 мартағи 54-сон буйруғига
1-ИЛОВА

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

**“Илм йўли” вариатив дастур
6 ёшдан 7 ёшгача бўлган болаларни мактаб таълимига
тайёрлаш**



Муаллифлардан:

Мазкур дастур мулкчилик шакларидан қатъий назар болаларнинг бошланғич таълимга мажбурий бир йиллик тайёргарлик гурухлари мавжуд бўлган мактабгача таълим ташкилотларининг педагог-ходимлари учун мўлжалланган. Дастурда иловаларнинг кенг доираси тақдим этилган бўлиб, ишонамизки, улар нафақат мактабгача таълим соҳасидаги мутахассисларга, ота-оналарга ҳам фойдали бўлади.

Дастур муаллифлари мазкур дастурнинг ишлаб чиқилишида уни қўллаб-кувватлаган, ўз фикрлари ва тавсияларини берганларга чукур миннатдорчилик билдирадилар.

Муаллифлар:

Грошева И.В., Цай Е.Ф., Миржалирова С.С., Медведева Н.И.

Тақризчилар:

Микаилова У.

ЮНИСЕФ нинг халқаро маслаҳатчиси

Джанпейсова Г.Э.

Низомий номидаги ТДПУ “Мактабгача таълим методикаси” кафедраси мудири п.ф.н, доценти

Некрасова Е. А.

Тошкент шаҳар 369-мактабгача таълим ташкилоти методисти

“Илм йўли” вариатив дастури Мактабгача таълим муассасалари раҳбарлари ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти илмий-методик кенгашининг 2019 йил 29 август 7-сонли йиғилиш қарори билан, мактабгача таълим вазирлиги ҳузуридаги ўқув методик ишларни мувофиқлаштирувчи йиғилишининг 2019 йил 20 сентябрдаги 1-сон баёни билан тасдиқланган ва нашрга тавсия этилган.

Мундарижа

Асосий тушунчалар.....	5
Кириш	7
I боб. Дастаннинг мақсад, вазифа ва тамойиллари.....	9
II боб. 6 ёшдан 7 ёшгача болалар ривожланишидаги ўзига хосликлар	11
III боб. Мактабгача ёшдаги болаларнинг таълимида компетентлилик ёндашуви	15
3.1. 6-7 ёшдаги мактабгача бўлган боланинг умумий асосий компетенциялари	15
3.2. Бола ривожланиши соҳаларининг компетенциялари.....	15
3.2.1 Жисмоний ривожланиш ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш соҳаси компетенциялари...15	15
3.2.2. “Ижтимоий-хиссий ривожланиш” соҳаси компетенциялари.....	16
3.2.3.«Нутқ, мулоқот, ўқиш ва ёзиш малакалари» соҳаси компетенциялари.....	16
3.2.4.“Билиш жараёнининг ривожланиши” соҳаси компетенциялари.....	16
3.2.5. «Ижодий ривожланиш» соҳаси компетенциялари.....	17
IV боб. Ўқитишига ёндашувлар.....	18
4.1. Шахсий ёндашув мақсади	18
4.2. Болага йўналтирилган ёндашув	19
4.3.Ривожлантирувчи ёндашув	21
4.4 Индивидуаллаштириш	21
4.5.Ривожлантирувчи ўқитиш мухити.....	22
4.6.Мактабгача таълим ташкилотида ўйин фаолиятнинг етакчи тури сифатида	23
4.7.Инклюзив таълим тамойиллари.....	23
V боб. Ўқув-тарбия фаолияти.....	25
VI боб. Режалаштириш	25
VII боб. Машғулотлардаги ўқитиши.....	29
7.1. Жисмоний ривожланиш ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш.....	29
7.2. Ижтимоий-хиссий ривожланиш.....	30
7.3. Нутқ, мулоқот, ўқиш ва ёзиш малакалари	31
7.4. Билиш жараёнини ривожланиши.....	32
7.5. Ижодий ривожланиш.....	32
VIII боб. Кузатиш ва баҳолаш	34
8.1. Кузатишни ўтказишдан мақсадлар	34
8.2.Муваффақиятли кузатишнинг ўзига хосликлари:.....	35
8.3.Кузатишнинг асосий тамойиллари:.....	35
8.4.Болаларнинг индивидуал ривожланишини ҳужжатлаштириш ва кузатиб бориши.....	36
8.5. Болаларни бошланғич таълимга мажбурий бир йиллик тайёрлаш бўйича гуруҳлардаги 6-7 ёшли болаларнинг ўқитиш самарадорлигини ва ривожланиши тараққиётининг баҳоланишини ўтказиш муддатлари.....	37
IX боб. Ҳамкорлик	39
9.1. Оиласар билан ҳамкорлик	39
9.2. Болаларни бошланғич таълимга тўловсиз мажбурий бир йиллик тайёрлаш бўйича гуруҳлар ишига оиласарни жалб қилишнинг фойдалилиги.....	40
9.3. Ҳамкорлик имкониятлари	41
9.4. Оила билан мулоқот қилиш.....	41
9.5. Оиласар билан мулоқот қилиш тамойиллари:.....	42
9.6. Кутувлар	42
X боб. Ресурс таъминоти.....	43
XI боб. Иловалар	44
1-и洛ва. Болаларни бошланғич таълимга мажбурий йиллик тайёрлаш бўйича гуруҳларда ишловчи педагоглар учун тавсия	44
2-И洛ва. Болаларни бошланғич таълимга мажбурий бир йиллик тайёрлаш гуруҳларни ташкил этиш бўйича қонунчилик ҳужжатлари шарҳи.....	50
3-и洛ва. Болаларни бошланғич таълимга мажбурий бир йиллик тайёрлаш бўйича гуруҳ педагогларининг намунавий лавозим йўриқномаси	51
4-и洛ва. Болаларни бошланғич таълимга мажбурий бир йиллик тайёрлаш гуруҳларига болаларни қабул қилиш ҳақида мактабгача таълим ташкилотининг намунавий буйргуи	53
5-и洛ва. Болаларни бошланғич таълимга мажбурий бир йиллик тайёрлаш бўйича пилот гуруҳларини ташкил этиш тартиби ҳақидаги Низом	56

6-илова. Болаларни мактабга мажбурий бир йиллик тайёрлаш бўйича гуруҳдаги намунавий кун тартиби.....	60
7-илова. Болаларни бошланғич таълимга мажбурий бир йиллик тайёрлаш бўйича гуруҳда ўтказиладиган машғулотларнинг намунавий миқдори	61
8-илова. Намунавий йиллик мавзувий режа.....	64
9-илова. Мактабгача таълим ташкилотида ривожланиш марказларини самарали ташкил этиш бўйича методик тавсиялар.....	66
10-илова. Намунавий мавзувий режалаштириш	70
Болаларни бошланғич таълимга мажбурий бир йиллик тайёрлаш учун.....	70
машғулотларни гуруҳда бир ҳафтага тахминий тақсимот.....	70
11-илова. Педагогнинг иш журналининг намуна шакли.....	244
12-илова. 6 ёшдан 7 ёшгacha бўлган боланинг ривожланиш харитаси	394
13-илова Боланинг мактабга тайёрлиги харитаси.....	411
14-илова. 1-синф ўқувчисининг ижтимоий-психологик портрети	415
15-илова Бола шахсини тузилмаси	416
16-илова Ота-оналар билан ишловчи педагоглар учун услубий қўлланма.....	417
17-илова Болаларни бошланғич таълимга мажбурий бир йиллик тайёрлаш бўйича пилот гурухининг моддий-техник базаси ва таълимий-дидактик материаллар билан жиҳозланиши меъёrlари.....	423

Асосий тушунчалар

Сифатли педагогика – болаларни ўйин шаклида қизиқарли ва завқлантирувчи тарзда ўқитиш; болаларда ўқишга бўлган хоҳиш-истакларини қўллаб-кувватлайдиган, мактабга бориш имкониятларини таъминлайдиган, ота-оналарга ёрдам кўрсатадиган, болаларнинг соғлигини (ҳам психик, ҳам жисмоний) сақлашнинг самарали ўқитиш дастуридир; тарбияланувчиларнинг ўқиши, саломатлиги ва индивидуал ривожланишининг муваффақиятли натижалариридир;

Инвариантли қисм – исталган МТТ да амалга оширилиши керак бўлган мактабгача таълим Давлат дастурининг мажбурий қисми;

Вариатив қисм – таълим жараёни иштирокчилари томонидан шакллантириллади, мактабгача таълимнинг худудий, миллий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа шарт-шароитларини, турлари бўйича ҳар-хиллигини акс эттирувчи мактабгача таълим тури;

ЎзР ИМЁБРДТ¹ – Ўзбекистон Республикасининг илк ва мактабгача ёшдаги болаларнинг ривожланишига қўйиладиган Давлат талаблари;

Ёндашув – бу педагогик фаолиятнинг ўзаро боғланган ғоялари, тушунчалари ва усуулларининг маълум бир хусусиятли жамланмасидан фойдланишга ундовчи педагог фаолиятининг методологик йўналтирилишидир;

Шахсий-йўналтирилган ёндашув – бу таълим жараёни марказига фаолият субъекти сифатида таълим оловчи қўйиладиган ёндашувдир. Етакчи тамоили бўлиб таълим оловчининг эҳтиёжлари, мотивлари, тажрибаси ва долзарб ривожланиши даражасига йўналтирилганлик ва яқин истиқболдаги ривожланиш ҳудудида ўқитиш саналади².

Индивидуал ёндашув – таълим берувчининг гурухдаги ҳар бир боланинг фаол ҳаракати ва дам олиш пайтида барча эҳтиёжларини эътиборга олиш зарурлигини англаради. Бу гурухдаги барча материал ва жиҳозлар, умуман ўқитиш мухити ҳар бир боланинг ривожланишига хизмат қилишни ҳамда мўлжалланган фаолият турлари болалар ривожланишидаги фарқини эътиборга олишини билдиради.

Таълимнинг ривожлантирувчи мухити - бола ривожланишини таъминлайдиган шарт-шароитлар (ўйинлар, ўйин предметлари ва жиҳозлари, ўқув-услубий қўлланмалар, болаларнинг турли фаолият турлари билан шуғулланиши учун мўлжалланган ускуналар) ўзаро боғлиқлигини белгилаб берадиган ҳал қилувчи кўрсаткичлардир.

Инклюзив таълим – алоҳида индивидуал имкониятларни ва таълимий эҳтиёжларни ҳисобга олиш билан барча болаларни тарбиялаш ва ўқитишнинг teng равишда оммабоплигини таъминлайдиган жараён;

Модель (лотинчадан – ўлчам, намуна) – табиатдаги ёки жамиятдаги ҳодиса ёхуд жараёнларни талқин қилиш;

Интеграциялашган режалаштириш – болаларни ўқитиш ва ривожлантириш интеграллашган жараёндир: бола ривожланишининг ҳар

¹Давлат талаблари Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирининг 2018 йил 18 июнданги №1-МХ буйруғи билан тасдиқланган, Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 3 июлда № 3032-рақам билан рўйхатга олинган.

² Л.С. Виготский.

бир соҳаси унинг бошқа соҳалари билан узвий боғлиқ. Таълим-тарбия ишларини режалаштиришда уларни бир-биридан ажратмаслик зарур, бироқ бир бутун мажмуя сифатида қараш лозим. Турли соҳалардаги таълим жараёни ўзаро боғлиқ ва бир-бири билан уйғунлашган .

Бола компетенцияси – боланинг билим, кўникма, малакалар ва қадриятлар мажмуудир. Таянч компетенциялар ривожланиш соҳаларидан қатъий назар, бола шахси шаклланиши учун асос бўлиб хизмат қиласди;

Педагогик стратегия – болаларга белгиланган мақсадларга эришишда ёрдам кўрсатиш учун педагоглар фойдаланадиган конкрет методлар тўпламини намоён қиласди. Стратегия асосида боланинг қизиқишилари, унинг кучли ва кучсиз томонлари, ёшга доир ўзига хосликлар ва шахсий сифатларнинг ҳисобга олиниши, ўқитиш шакли ётади;

“Мен” концепцияси – боланинг ўзи, унинг рефлексив фаолиятининг қисми ҳақидаги тасаввурларининг тизими;

Режалаштириш воситалари – педагог кутилаётган натижаларга эришиш учун фаолият мазмунини, турларини, имконият(ресурс)ларини белгилайдиган воситалар, методлар, усувлар;

Кузатиш – бола ишлаётган ёки ўйнаётган вақтда унинг фаолиятига аралашмаган ҳолда уни кузатиб бориш жараёни;

Хужжатлаштириш – бу ёзув ёрдамида белгиланган шаклда турли хил ташувчиларга бирон-бир ахборотларни сақлаб қўйиш жараёни, болаларни кузатишга ва рўйхатга олиб қўйишга тизимли ёндашувдир, олинадиган маълумотларнинг тўлиқлигини таъминлашга ёрдам беради.

Кириш

Ўзбекистон Республикасида мактабгача таълим тизимига катта эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг ташаббуси билан, Президентнинг 2017 йил 30 сентябрдаги “Мактабгача таълим тизимини бошқаришни тубдан такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар ҳақида”ги 5198 - Фармони кўра, Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги ташкил этилди. Шу боис энг яхши халқаро тажрибалар асосида тизимдаги дастурий ва ўқув-методик таъминотни такомиллаштириш мақсадида мактабгача таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш зарурати пайдо бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 8 декабрдаги “Бошланғич таълимга болаларни мажбурий бир йиллик тайёрлашга босқичма-босқич ўтиш бўйича чора-тадбирлар ҳақида”ги 999- сонли қарорини ижро этиш доирасида Ўзбекистон ўз зиммасига 6-7 ёшли болаларнинг мактабга тўловсиз мажбурий бир йиллик тайёргарлиги бўйича мажбуриятни олди. 6-7 ёшли болаларни ҳар томонлама ривожлантириш, уларга таълим-тарбия бериш ва мактабга тайёрлаш мақсадида “Илм йўли” дастурини ишлаб чиқиш ҳамда уни тасдиқлаш зарурати пайдо бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг ташаббуси билан 6-7 ёшли болаларни ҳар томонлама ривожлантириш, уларга таълим тарбия бериш ва мактабга тайёрлаш мақсадида “Илм йўли” вариатив дастури ишлаб чиқилди. Мазкур дастур мактабгача таълим ташкилотлари учун ишлаб чиқилган “Илк қадам” Давлат ўқув дастури, Ўзбекистон Республикасида илк ва мактабгача ёшдаги болаларнинг ривожланишига қўйиладиган Давлат талаблари, “Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастур”, мактабгача таълимни ривожлантириш Концепцияси асосида ишлаб чиқилди.

“Илм йўли” вариатив дастури боланинг тўлақонли ривожланиши, тарбияланиши ва ўқишини, унинг мактабда таълим олишга самарали тайёрланишини таъминлашга қаратилган, болаларни мактабга тайёрлаш бўйича халқаро тажрибаларнинг ҳисобга олиниб, ишлаб чиқилган ҳужжат бўлиб саналади.

Мазкур дастур ўзига хос бўлиб, унга кўра, ўқув-тарбиявий фаолият кунига 3 соат давомида амалга оширилади, унинг мажбурий қисми 80 фоизни ва вариатив қисми эса 20 фоизни ташкил этади.

Дастур идоравий бўйсунишидан ва мулкчилик шаклларидан қатъий назар Ўзбекистон Республикаси худудида жойлашган барча мактабгача таълим ташкилотларида қўлланилиши мумкин:

- болаларни мактабга мажбурий бир йиллик тайёрлов гурухларига эга бўлган умумий ҳамда ихтисослаштирилган типлардаги давлат ва нодавлат таълим ташкилотларида;
- мактабгача ва бошланғич таълим тизими учун кадрлар тайёрлашни амалга оширадиган ўрта-максус ва олий таълим муассасаларида;
- мактабгача ва умумий ўрта таълим тизими учун педагог-кадрларнининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш жараёнини амалга оширувчи муассасаларда.

Шунингдек, ҳар бир мактабгача таълим ташкилоти, шу жумладан, мактабгача таълимнинг муқобил шакллари худудий, миллий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа шарт-шароитлардан келиб чиқиб, ўз муқобил шаклларини ишлаб чиқиши мумкин.

Дастур асосига бола шахсининг ривожланишидаги асосий соҳалар (жисмоний ривожланиш ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш; ижтимоий-ҳиссий ривожланиш; нутқ, мулоқот, ўқиш ва ёзиш малакалари; билиш жараёнининг ривожланиши; ижодий ривожланиш) бўйича Ўзбекистон Республикасида илк ва мактабгача ёшдаги болаларнинг ривожланишига қўйиладиган Давлат талаблари киритилди. Дастур (куррикулум)нинг ўргатувчи жараёнидаги интеграциялашган ёндашув бола ривожланишининг яхлитлигини таъминлайди.

I боб. Дастурнинг мақсад, вазифа ва тамойиллари

Ўзбекистон Республикасида мактабгача таълими тизимини модернизация қилиш мактабгача таълимга тенг имкониятлар яратишнинг зарурати ва муҳимлиги ҳамда болаларни мактаб таълимига тайёрлашнинг муқобил ва камчиқим моделларини ишлаб чиқишини тақозо этади.

6-7 ёшли болаларни ўқитиш мажбурий бошланғич таълимга бир йиллик тайёрлаш гурухлари дастури Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган таълим сектори режаси, мактабгача таълимни ривожланитириш Концепцияси, Давлат талабларига таянган ҳолда болага йўналтирилган сифатли педагогикага принципларига асосланган.

Боланинг эрта ривожланиши унинг келгусида шахс сифатида шаклланишида ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Боланинг эрта ривожланишига инвестиция ажратилиши қуйидаги асосий омиллар билан белгиланади:

- катта ёшдаги киши интеллектуал қобилиятининг 70% ҳаётининг дастлабки 5 йилида шаклланади;
- мактабгача таълимга сарф-харажатларнинг иқтисодий самарадорлиги 17:1 нисбатни ташкил этади (болалар қамрови 50% кам бўлмагандан);
- умумий таълимда эришиладиган сезиларли ютуқлар;
- таълимни юқорироқ босқичда давом эттириш учун катта имконият мавжудлиги;

-ғайриахлоқий ва жиноий хатти-ҳаракатлар эҳтимолининг камайиши.

Дастурнинг мақсадлари ва вазифалари мактабгача болалар учун қуйидагиларни таъминлашни кўзда тутади:

-зарур бўлган ривожланиш амалиёти ва мактабга тайёрлаш учун тенг имкониятларни вужудга келтириш;

-6-7 ёшли болалар учун мўлжалланган мажбурий бошланғич таълимга бир йиллик тайёрлаш гурухлар болаларини тўлиқ кунли мактабгача таълим ташкилотига бериш имкониятига эга бўлмаган ёки муайян сабабларга кўра, бунга интилмайдиган ота-оналарнинг талаб-эҳтиёжларини қондириши керак;

- 6-7 ёшли болалар учун мўлжалланган мажбурий бошланғич таълимга бир йиллик тайёрлаш гурухлар мактабгача таълимга қўйиладиган Давлат талабларига мувофиқ, 5 муҳим соҳада болаларнинг ҳар томонлама ривожланишини таъминлаши зарур (жисмоний ривожланиш ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш; ижтимоий-ҳиссий ривожланиш; нутқ, мулоқот, ўқиш ва ёзиш малакалари; билиш жараёнининг ривожланиши; ижодий ривожланиш) ҳар томонлама уйғун ривожланишини таъминлашга мўлжалланган;
- мактаб таълимига умумий психологик тайёргарлик.

Дастур замонавий педагогика ва психология тамойилларига таянган ҳолда:

- истисносиз барча болаларнинг таълим олиш ва ривожланишга тенг имкониятга эга бўлишини таъминлашга;

- амалиётга бола йўналтирилган ёндашувни, инклюзив таълим тамойилларини жорий этишга;
- оила ва жамоалар билан ҳамкорлик;
- таълим-тарбиянинг маданий жиҳатдан мақбул услубларига таянган ҳолда миллий қадрият ва устуворликларни эътиборга олиш;
- қулай, дўстона ва хавфсиз ривожланиш муҳитини шакллантиришга йўналтирилган.
мажбурий бошланғич таълимга бир йиллик тайёрлаш гурухлардаги таълим жараёни қуидаги тамойилларга асосланган:
 - болага йўналтирилган таълимга ёндашуви;
 - инклюзив таълим ҳақида мушоҳада юритиш;
 - болани холистик(яхлит) ривожланишини таъминлайдиган таълим муҳитининг хусусиятларини белгилаш;
 - мактабгача таълим ташкилотида фаолиятнинг етакчи тури – ўйин асосида таълим бериш;
 - бола – таълим жараёнининг фаол иштирокчиси;
 - режалаштириш ва баҳолаш самарадорлиги;
 - болани тарбиялаш ва ривожлантириш жараёнига ота-оналарни ҳамкорлик асосида жалб этиш;
 - интерфаол таълим;
 - интегратив ўқитиш.

Дастурда кўзда тутилган вазифалар нафақат ривожланиш марказлардаги фаолият пайтида, балки мустақил, ўйин жараёнида ҳамда педагогларнинг ота-оналар билан биргаликдаги фаолияти жараёнида ҳам тўлиқ бажарилиши лозим.

II боб. 6 ёшдан 7 ёшгача болалар ривожланишидаги ўзига хосликлар

Физиологик ривожланиш

Мазкур даврда организмнинг таянч-харакат ва юрак-қон-томир тизимларининг интенсив ривожланиши ҳамда такомиллашиши, майда мушакларнинг ривожланиши, марказий асаб тизимиидаги айрим бўлинмаларнинг ривожланиши ва дифференцировкаланиши рўй беради. боланинг вазни ойига тахминан 200 гр атрофида, бўйи ўсиши эса 0,5 см га ортиб боради, тана пропорциялари ўзгара бошлайди. 7 ёшли болаларнинг бўйи ўртacha 113-122 см га, ўртacha вазни эса 21-25 кг га тенг бўлади. Мия соҳалари деярли катта ёшли кишиларнидек шаклланган. Ҳаракат соҳалари яхши ривожланган. Суяклар мустаҳкамланиши давом этади, лекин умуртқа эгилишлари ҳали барқарор эмас. Йирик ва айниқса, майда моториканинг ривожланиши давом этади. Қўл панжалари мушакларнинг координацияси интенсив ривожланади. Умумий жисмоний ривожланиш боланинг нозик моторикаси ривожланиши билан боғлик бўлади. Қўл бармоқларининг машқ қилдирилиши боладаги интеллектни ошириш, нутқни ривожлантириш ва ёзишга тайёргарлик кўриш воситаси бўлиб саналади.

Психик жараёнларнинг ривожланиши.

Бу ёш босқичининг ўзига хос томони бўлиб билишга доир ва фикрий психик жараёнларнинг фаол ривожланиши ҳисобланади. Бола кузатишга, қараб излаш каби ихтиёрий ҳаракатларни бажаради. Мана шу ёшда сенсор эталонлар – шакл, ранг, ўлчам тўла ўзлаштирилади. Майдон-маконни англашнинг ривожланиши давом этади. Бола пастга, тепага, бошқа томонга каби тушунчалар билан амалларни бажара бошлайди. Шунингдек, эндилиқда ўнг ва чап томонни тасаввур қилиш аниқ шаклланган бўлиши лозим. Бироқ, бу ёшдаги болаларда бир вақтнинг ўзида турли хилдаги белгиларнинг ҳисобга олиниши лозим бўладиган пайтларда хатоликка йўл кўйишлари учраши мумкин.

Диққат. Мактабгача ёш охирига келиб ихтиёрий диққат ривожлана бошлайди. Бола диққатини онгли равишда маълум бир предметларга ва обьектларга йўналтириб ва жамлаб тура олади. Диққатнинг барқарорлиги ортиши – 20-25 дақиқа, диққат ҳажми 7-8 та предметни қамраб олади. Бола иккиёқлама тасвирларни кўра олиши мумкин.

Хотира. Мактабгача ёш охирига келиб болада психик фаолликнинг ихтиёрий шакллари пайдо бўлади. У эндилиқда предметларни қараб чиқа олади, мақсадга қаратилган кузатишни амалга ошира олиши мумкин, ихтиёрий диққат пайдо бўлади ва бунинг натижасида ихтиёрий хотира элементлари юзага кела бошлайди. Ихтиёрий хотира бола ўзи мустақил равишда мақсадни белгилаганда – эслаб қолиш ва эспаш ҳолатларда намоён бўлади. Боланинг эслаб қолиш истагини ҳар томонлама рағбатлантириш зарур, чунки бу нафақат хотиранинг, балки билишга доир бошқа қобилиятлар – англаш, диққат, фикрлаш, тасаввур қилишнинг ҳам муваффақиятли ривожланиш гаровидир. Ихтиёрий хотиранинг пайдо бўлиши воситаланган хотиранинг – эслаб қолишнинг энг маҳсулдор шакли ривожланишига ёрдам беради. Бу йўлдаги биринчи қадамлар эслаб қолинадиган материалнинг ўзига хосликлари – ёрқинлиги, оммабоплиги,

ноодатийлиги, кўргазмалилик ва бошқа шу кабилар билан шартланади. Бу даврда мактабгача ёшдаги болаларни эслаб қолиш мақсадларида таснифлаш ва гурухлаш усулларига мақсадли равишда ўргатиш мумкин.

Фикрлаш. Илгаригидек, етакчи бўлиб кўргазмали-қиёфавий фикрлаш ҳисобланади, лекин мактабгача ёш охирига келиб сўзли-мантиқий фикрлаш шаклана бошлайди. У сўзларн ишлата билиш, фикр-мулоҳазалар мантиғини тушуна олиш маҳоратининг ривожланишини кўзда тутади. Бу ерда албатта катта ёшлилтарнинг ёрдами зарур бўлиб ҳисобланади, чунки болаларнинг, масалан, предметлар катталиги ёки сонини таққослашларидаги болаларча фикр-мулоҳазаларининг номантиқийлиги мавжуд бўлиши маълумдир. Мактабгача бўлган ёшда тушунчаларнинг ривожланиши бошланади. Тўла ҳолда сўзли-мантиқий, тушунчали ёки абстракт фикрлаш ўсмирлик ёшига келиб шакланади. Катта мактабгача ёшдаги бола сабаб-оқибатли алоқадорликларни белгилай олиши, муаммоли вазиятлар ечимини топа олиши мумкин бўлади.

Тасаввур. Бола ҳаётининг бу даври тасаввур қилишнинг ўзига хос фаоллиги билан тавсифланади. Дастрлаб бу факт яратувчилик тасаввурлари бўлади, яъни, бирон-бир эртакнамо қиёфаларни тасаввур қилишга имкон берадиган тарзда бўлади, кейинчалик эса бутунлай янги қиёфаларни яратишга қодир бўлган ижодий тасаввурга айланади. Бу болада фантазияни ривожлантириш учун ўта муҳимдир.

Нутқ. Грамматика ва лексиканинг ривожланиши давом этади, нутқ равон бўла боради. Сўз бойлиги ортади, болалар умумлаштирувчи отларни ишлата бошлайдилар, синонимлар, антонимлар ва сифатлардан фойдалана бошлайдилар. Агарда бола билан бирга кўп ўқилса ва мулоқот қилинса, унда бу ёшга келиб ҳам монологик нутқ (тушунтиришли ва талқин қилувчи, баёний нутқ) ҳамда мулоқотда иштирок эта олиш маҳорати яхши даражада шаклланган бўлади. Ёзма нутқ шаклана бошлайди. Сўз бойлиги тахминан 3 000 та сўзгacha бойиб боради.

Шахс ривожланиши. Мактабгача ёшдаги боланинг онгидаги асосий ўзгариш бўлиб “ҳаракатлар ички режаси”нинг пайдо бўлиши ҳисобланиб, у болага нафақат кўргазмали тарзда, балки онгли равишда ҳам турли хилдаги тасаввурларни ҳосил қилишга ёрдам беради.

Боланинг ўз-ўзини англашида “Мен” образини англаши рефлексиф қобилиятини белгилайди, яъни, таҳлил қилиши, ўз ҳаракатларининг мақсадлари ва натижалари учун жавоб бера олиши, шу жумладан, ўз кечинмалари, ҳиссиётларини англаши. Айнан шу янгиланиш боланинг маънан ривожланишининг асоси бўлиб ҳисобланади. 6-7 ёшли боланинг психик ва шахсий соҳаларида ривожланишининг энг муҳим янги ҳосиласи сифатида мотивларнинг бўйсундирилиши ҳисобланади. “Мен қилишим керак”, “мен қила оламан” мотивларининг англаниши “мен хоҳлайман” мотиви устидан устунлик қила бошлайди.

Ўз “Мен”ини англаш ва мана шу асосида мактаб ёши охирига келиб ички ҳиссиётларнинг пайдо бўлиши янги эҳтиёжларни туғдиради. Бутун мактабгача ёш давомидаги фаолиятнинг етакчи тури бўлиб ҳисобланган ўйин мана шунинг натижасида энди боланинг эҳтиёжларини тўла қондира олмай қолади. Болада эндиликда ўз болаларча ҳаёти доирасидан ташқарига чиқишга интилиш, ижтимоий-аҳамиятли фаолиятда ўз ўрнини

эгаллаш истаги юзага келади, яъни, бола янги ижтимоий ҳиссиётни – “мактаб ўқувчиси ўрнини”ни эгаллашга интилади, бу эса 6-7 ёшли болаларнинг шахсий ҳамда психик ривожланишидаги энг муҳим натижа ва ўзига хослиги бўлиб саналади.

6-7 ёшда бола ўзини нафакат унинг ўзи ҳосил қилган амалий ҳаракатлар чегараларида англай бошлайди, балки у ўзининг атроф-муҳитга ва бошқа кишилар орасидаги ўз ўрнига нисбатан муносабатларини тушуна олиш ҳамда таҳлил қила олишга (бу ёш учун хос бўлган шаклда) қобил бўлади: ўзини ижтимоий муносабатлар тизимидаги субъект сифатида тушуниш – ўзининг ижтимоий “Мен”ини англаш пайдо бўлади.

Ўз-ўзини баҳолаш бу ёшдаги болада қоидага кўра, ўзини кўра олиш тенденциясига эга бўлади. Бунда бола ташқи баҳолашга жуда боғлиқ бўлади, чунки у ўзи ҳақида объектив фикрни тузга олиш имконига эга бўлмайди, у ўзининг қиёфасини тенгдошлари ва катталар ўз номига эшитган баҳолардан келиб чиқиб тузади. Мактабгача ёшда бўлган болалар яхши, ва биринчи бўлишга жон-дили билан интиладилар, муваффақиятсизликка учраганда жуда хафа бўладилар, катталарнинг муносабати, кайфияти ўзгариб қолишига ёрқин ва эмоциональ равишда реакция кўрсатадилар. Бу даврда болаларнинг гуруҳда таниқли ва ёқимсиз болаларга ажралиб қолишилари аниқ намоён бўлади.

Мактабгача ёшдаги боланинг етакчи эҳтиёжи бўлиб ҳам ўз тенгдошлар, ҳам катталар билан мулоқоти саналади. Олдинги ёш давридагидек етакчи фаолият бўлиб сюжетли-ролли ўйинлар қолаверади. Бу ёшдаги ўйинларнинг ўзига хослиги бўлиб шу нарса ҳисобланадики, бунда болалар кишиларнинг мураккаб ўзаро ҳаракатларини ўзлаштиришни ва уни амалга ошириб кўришни, атроф-муҳитдаги асосий ҳаётини вазиятларни синааб кўришни бошлайдилар.

Ўйинлар мураккаблаша боради, баъзан катталар ҳар доим ҳам тушуна олмайдиган алоҳида мазмунга эга бўлади. Бунда болалар бутун ўйин майдонини тўла кузатиб туришга, ўйиндаги барча иштирокчиларни кўриб туришга ва зарурий ўйин ҳаракатларига боғлиқ бўладиган ўз хулқ-атвори ёки ролини ўзгартириб туришга қодир бўладилар.

6-7 ёшли боланинг мулоқоти

Бу ёшдаги мулоқот вазиятли-шахсий, яъни, берилган конкрет вақтдаги вазиятни эмас, балки “нима бўлди” ёки “нима бўлади” тарзидаги вазиятни акс эттирувчи сифатида бўлади. Мулоқотнинг асосий мазмуни кишилар дунёси, хулқ-атор қоидалари, табиий ҳодисалардан иборат бўлади. Катталар дунё табиатини очувчи ижтимоий меъёрлар, ижтимоий контактлар ва одамлар орасидаги қоидаларнинг ташувчиси бўлиб саналади. мулоқот жараёнидаги етакчи эҳтиёж – ўзаро тушуниш, ҳистийғуларни ҳис қилиш эҳтиёжидир. Бола катталар билан ўзининг ҳам ижобий, ҳам салбий ёрқин кечинмалари билан ўртоқлашади. Ота-оналар ҳамда педагогланинг асосий вазифаси боланинг эмоцияларини уларнинг бола ҳаёти учун аҳамиятлилигини камайтиргмаган ҳолда қабул қилишдан иборатдир.

Тенгдошлари билан мулоқотда бола ёшининг қуйидагича намоён бўлиши ифодаланади:
мулоқот ташаббусини бошлаш;

биринчи яқинлик;
бири-бирига, тан олинишга ва ҳурматта эхтиёж;
мусобақалашув тарзидаги тақлид қилиш;
шерикка нисбатан юқори сезувчанлик (ранжиш, қаршилик, жанжал);
гурухда болаларнинг тутган ўрни бўйича фарқланиши пайдо бўлади.

7 ёшларга келиб болада мактабгача бўлган ёш даври тугайди. Бу даврдаги асосий кўникмалар бўйлб қуидагилар саналади:
бала томонидан одам турмуш маданияти предметлари ва нарсалари дунёсининг ўзлаштирилиши;
бошқа кишилар билан позитив мулокот қила олиш қобилияти;

“мактаб ўқувчиси ички ҳиссиёти”нинг шаклланиши, яъни, онгли равишда, у нима қилиш кераклиги ва катталар ундан нимани кутаётганликларини тўла тушуна олиш билан боланинг мактабга бориш истагининг пайдо бўлиши.

Мактабгача ёшда давомида болалар нарсалар дунёсини кишилик маданиятининг предметлари сифатида ўзлаштирадилар; бошқа кишилар билан позитив мулокот қилишни ўрганадилар; уларда жинсий идентификацияланиш ривожланади, мактаб ўқувчиси позицияси шаклланади.

Мактабгача бўлган ёш охирига келиб бола эндилиқда билишга доир ва шахсий ривожланишнинг юқори даражасига эга бўлиб, бу унга мактабда кейинчалик муваффақиятли ўқишга имкон беради.

III боб. Мактабгача ёшдаги болаларнинг таълимида компетентлилик ёндашуви

Мактабгача ёшдаги болалар таълимида компетентлилик ёндашуви боланинг ўсувчи шахсини ҳаётга, шу жумладан, мактабда ўқишга тайёрлашни, унда маънавий қадриятлар ва меъёрларни ўзлаштириш, бошқа кишилар билан мулоқот қилиш, ўз менини шакллантириш билан боғлиқ бўлган ҳаётий мухим масалаларни ҳал қилиш учун зарур бўладиган фаолият усулларини кўзда тутади.

Бошлангич асосий компетенциялар фаолият ва хулқ-атвор субъекти сифатида боланинг яхлит ривожланишини талаб қилади.

3.1. 6-7 ёшдаги мактабгача бўлган боланинг умумий асосий компетенциялари

Коммуникатив компетенция – мулоқот воситаларидан турли вазиятларда фойдалана билиш кўникмаси.

Ўйин компетенцияси – боланинг ўйин жараёни ва уни ташкил қилишда тажриба, билим ва кўникмалардан ижодий фойдаланиши. Ўқувтарбиявий жараён учун асос ҳисобланади.

Ижтимоий компетенция – ҳаётий вазиятларда катталар ва тенгдошлар билан мулоқотда ахлоқ қоидалари ва меъёрларига риоя қилган ҳолда ўзини тута олиш маҳорати.

Билиш компетенцияси – атрофдаги оламни онгли равишда идрок қилиш ва олинган билим, кўникма, малака ва қадриятлардан ўқув ва амалий вазифаларни ҳал қилиш учун фойдаланиш.

3.2. Бола ривожланиши соҳаларининг компетенциялари

Бола компетенциялари унинг қуйидаги ривожланиш соҳаларида аниқланади:

- жисмоний ривожланиш ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш;
- Ижтимоий-ҳиссий ривожланиш;
- нутқ, мулоқот, ўқиш ва ёзиш кўникмалари;
- билиш жараёнининг ривожланиши;
- ижодий ривожланиш.

3.2.1 Жисмоний ривожланиш ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш соҳаси компетенциялари

“ Жисмоний ривожланиш ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш” соҳасида ўқув-тарбиявий фаолият якунида 6-7 ёшли бола :

- жисмоний ривожланишдаги ўз имкониятлари ва ёш меъёрларига мос ҳолда жисмоний фаолликни намоён қилади;
- координациялашган ва мақсадли ҳолда ҳаракатли фаолликнинг ҳар хил турларини амалга ошира олади;

- турли ҳаётий ва ўқув вазиятларида майда моторика кўникмаларидан фойдаланади;
- сезги органлари ёрдамида ўз ҳаракатларини тартибга солади;
- шахсий гигиена кўникмаларини қўллади;
- соғлом турмуш ва тўғри овқатланиш асосларини билади;
- хавфсиз ҳаётий фаолияти қоидаларига риоя қилади.

3.2.2. “Ижтимоий-ҳиссий ривожланиш” соҳаси компетенциялари

“Ижтимоий-ҳиссий ривожланиш” соҳасидаги ўқув-тарбиявий фаолият якунинга етганидан сўнг 6-7 ёшли бола:

- ўз “Мен”и ва бошқа инсонларнинг ҳаётий фаолият муҳитидаги роли тўғрисида тасаввурга эга бўлади;
- ўз ҳиссиётларини бошқаради ва уларни вазиятга мос равишда ифодалайди;
- ўзгаларнинг ҳиссиётларини фарқлайди ва уларга мос равишда жавоб беради;
- катталар ва тенгдошлар билан вазиятга мос равишда мулоқот қилади;
- мураккаб вазиятлардан конструктив чиқиш йўлларини топади.

3.2.3.«Нутқ, мулоқот, ўқиш ва ёзиш малакалари» соҳаси компетенциялари

“Нутқ, мулоқот, ўқиш ва ёзиш малакалари” соҳасидаги ўқув-тарбиявий фаолият якунинга етганидан сўнг 6-7 ёшли бола:

- нутқни эшитади ва тушунади;
- ўз нутқида тўғри талаффуз, қулай грамматик шакллар ва хилма-хил гап конструкцияларидан фойдаланади;
- иккинчи тилни ўрганишга қизиқиш намоён қилади;
- иккинчи тилни эгаллаш бўйича дастлабки билимларини кўрсатади;
- бадиий адабиёт асарларига қизиқиш намоён қилади;
- сўзнинг луғавий, бўғинли ва фонетик тузилиши тўғрисида тасаввурга эга бўлади;
- турли маъно шаклларини мустақил равишда тузиш ва сўзлаб беришни билади;
- ёзишнинг дастлабки малакалари ва воситаларидан фойдаланишни билади.

3.2.4.”Билиш жараёнининг ривожланиши” соҳаси компетенциялари

Билиш жараёнининг ривожланиши соҳасидаги ўқув-тарбиявий фаолият якунинга етганидан сўнг 6-7 ёшли бола:

- билим олишга фаол қизиқиши намоён этади;
- ўқув ва ҳаётий фаолият учун ахборотни мустақил равишда топади ва ундан фойдаланади;
- предметлар, воқеалар ва кўринишлар ўртасидаги оддий алоқаларни тушунади ва уларни яхлит бир бутунлик сифатида идрок қилади;
- рақамлар, ҳисоб-китобни билади ва уларни ҳаётда қўллади;
- макон, шакл ва вақтга мос равишда иш тутади;

- элементар математик ҳисоблашларни амалга оширади;
- атроф-мухитдаги воқеа-ходисалар ва кўринишларни кузатади ҳамда тадқиқ қилади;
- атроф-мухитга нисбатан эҳтиёткорона ва ғамхўр муносабатни намоён этади.

3.2.5. «Ижодий ривожланиш» соҳаси компетенциялари

“Ижодий ривожланиш” соҳасидаги ўқув-тарбиявий фаолият якунига етганидан сўнг 6-7 ёшли бола:

- санъат ва маданиятга қизиқишини намоён қилади;
- миллий анъаналарни қадрлайди ва уларни кундалик ҳаётининг бир қисми сифатида идрок этади;
- санъатнинг муайян турини афзал кўришини мустақил равишда ифодалайди;
- олинган билим ва кўникмалардан турли ҳаётий вазиятларда ўз ижодий режаларини тузиш ва татбиқ қилиш учун фойдаланади;
- инсоннинг дунёни ўзгартиришдаги яратувчанлик ролини тушунади.

IV боб. Ўқитишига ёндашувлар

Ўзбекистон Республикасида илк ва мактабгача ёшдаги болаларнинг ривожланишига қўйиладиган Давлат талаблари (ЎзР ИМЁБРДТ – 2018 й) нинг, “Илк Қадам” Давлат ўкув дастурининг (2018 й), Ўзбекистон Республикасида мактабгача таълимни ривожлантириш Концепциясининг жорий қилиниши, бошланғич мактаб таълими Давлат таълим стандартларининг қабул қилиниши ўз ортидан нафақат анча вақтлардан бери мавжуд бўлиб келаётган мактабгача ва бошланғич таълим орасидаги изчилликни таъминлаш бўйича ишлар тизимининг қайта кўриб чиқилишини келтириб чиқарди, балки педагогларга мактабгача ва мактаб таълим тизимини янгичасига қайта тузиб чиқишига ҳам имкон берди.

Мактабгача таълимдаги модернизацион ўзгаришлар тарбиячиларга **мактабгача ёшдаги болаларни ўқитиш** методлари ва шаклларини танлаб олиш эркинлигини беради. Замонавий ўқитишишнинг асосий натижаси бўлиб шу нарса ҳисобланадики, бунга кўра бола унинг ривожланишига ва ҳаётий вазиятларда қўллай олишига қанчалик ёрдам бера оладиган нималарни ўзлаштиргани эътиборга олинади. Педагог томонидан танлаб олинган ўқитишиш шакллари интеллектуал жараёнларнинг шаклланишига ёрдам бериши, масалаларни ижодий ҳал қилиш учун шарт-шароитларни яратиши, мустақилликни ва маъсулиятни ўргатиши, болаларни ўз хулқатворини бошқаришни машқ қилдириши лозимдир. Мактабгача таълим узлуксиз таълимнинг бошланғич бўғини бўлиб саналади. У соғлом ва ривожланган бола шахсининг шаклланишини таъминлаши, тизимли ўқитишига тайёрлаш билан унда ўқиш-ўрганишига интилишни уйғотиши зарур.

Мактабгача таълим жараёнида устивор модель бўлиб мактабгача ёшдаги болаларнинг шахсий-йўналтирилган ўқитилиши ва тарбияланиши ҳисобланади.

4.1. Шахсий ёндашув мақсади

Бу берилган стандарт остига “қайта ясалиши” ва бўйсундирилиши эмас, балки шахснинг ривожланиши, “унинг қандай бўлса, шундайлигича қабул қилиниши”дир. Шахсий ёндашув таълим жараёни субъектларининг шахсий мажбуриятлари (функциялари) ривожланишининг тўлақонли намоён бўлиши учун шарт-шароитлар яратилишини кўзда тутади.

Шахсий функциялар – бу шахс томонидан “уйғун ривожланган шахс бўлиш”дек ижтимоий буюртмани амалга оширувчи маълум бир сифатларнинг намоён қилинишидир.

Таълим жараёнини ташкил этиш асоси сифатида шахсий ёндашув бола шахсининг жамоа олдида тан олинишини, унда гуманистик ўзаро муносабатларнинг ҳосил қилинишини асосий деб билади. Мана шу муносабатларга боғлиқ ҳолда бола ўзини шахс сифатида англайди ва бошқа кишиларда (тengдошлари ва катталарда) ҳам шахс сифатида кўришни ўрганади. Ҳар бир боланинг шахсий имкониятларини юзага чиқариш йўллари педагогнинг қадриятли йўналишларига, яъни, унинг хулқатворида ифодаланадиган моддий ва маънавий қадриятларга, йўл-йўриқлар, ишонч-эътиқод, мойилликларга нисбатан танлама муносабатларига боғлиқ бўлади.

Педагогнинг маҳорати унинг касбий фаолиятини йўналишини белгилаб беради. Педагогнинг шахсий ёндашуви болага ўзини шахс сифатида англашда ҳамда имкониятларини аниқлашга ёрдам кўрсатишини кўзда тутади.

4.2. Болага йўналтирилган ёндашув

Бу шундай ўқитишки, у боланинг ёш хусусиятларини, унинг қобилиятларини, қизиқишларини, эҳтиёжларини, тажрибасини, мактабгача таълим ташкилотига келгунигача оиласдаги маданиятни ҳисобга олади, бу болани ўқитишдаги мақсадларга эришишида ёрдам беради.

1. Ўқитиш болалар энг оптимал равишда қандай ривожланаётганликлари ва ўқиётганликларини билишга асосланиши керак;

2. Ўқитишидаги муваффақият педагогнинг болаларни қандай қилиб ўқитиш ва ривожлантириш методлари ҳамда усулларини билишига боғлиқ бўлади;

3. Педагогнинг асосий вазифаси бу боланинг потенциални аниқлаши ва унинг ривожлантирилишига ёрдам кўрсатиш;

4. Мактабгача таълимнинг ўзига хослиги болаликнинг қадр-қимматини тушуниш ва уни муддатидан олдин катта бўлиб қолишга туртки бермаслик. Педагог қўйидагиларни билиши ва ёдда тутиши лозим:

1. Болаларни улар қандай бўлсалар, шундай қабул қилиш.

2. Болаларга ўқитиш мақсадларига эришишда кўмаклашиш.

3. Болалар нималарга қодир эканликларини ва улар ўз ёш гурухларида қандай ўқиётганликларини билиш тарбиячига ўқитишни режалаштириш ва ташкил этиш учун бошланғич маълумотни бериш.

4. Агар педагог барча болаларга бир хилда ёндашадиган бўлса, бола муваффақият қозона олмайди.

5. Педагог боланинг турли хил предметлар билан фаолиятини, унинг турли хил машғулотларга киришиб кетганлигини доимий кузатиши керак, болаларнинг қобилият, қизиқиш ва эҳтиёжларини билиб олишга интилиши лозим.

6. Бу ахборотлар асосида педагог режалаштиришни амалга оширади ва боланинг ривожланишида олға силжишга эриши учун ўқитиш методларини мослаштиради.

7. Ўқитиш болалар эндилиқда нималарни билишлари ва уддалай олишларигагина эмас, балки улардан янги кўникмаларни ва янгича тушунишни ҳосил қилиш йўналишида маълум бир уринишларни ҳам талаб қилишига асосланадиган бўлса, энг самарали бўлади³.

³Л.С.Виготский. “Яқин ривожланиш худуди” –катта ёшли киши билан ҳамкорликдаги фаолияти давомида ривожланувчи шахс томонидан юзага чиқариладиган, лекин индивидуал фаолият доирасида намоён бўлмайдиган катта ёшли киши билан боланинг ўзаро таъсирлашувлари жараёнида бола томонидан эришиладиган ривожланиш даражаси. Яқин ривожланиш худудига йўналтириш билан ўқитиш ривожланишни олға суриши мумкин, чунки яқин ривожланиш худудида ётган нарса бирон-бир ёшд қайта ўзгартирилади, такомиллаштирилади ва кейиги ёшда, янги ёш босқичида долзарб ривожланиш даражасига ўтади. Бола мактабда унинг доимий ўсиб боришига имконят берувчи фаолият билан шуғулланади. Бу фаолият унга ўзидан ҳам юқорига кўтарилгандек

8. Ўқитиш мақсадлари берилган ёш гуруҳидаги кўпчилик болалар учун реалистик ва эришиладиган бўлиши керак. Болаларга янги ҳосил қилинган кўникумаларни амалда қўллашнинг кўплаб имкониятлари тақдим этилиши лозим.

Болаларга ўқитиш мақсадларига эришишда ёрдам кўрсатиш

1. Болалар одатда янги кўникумаларни ўз ташаббуслари билан, масалан, зинапоядаги поғоналарни санаш каби, амалда қўллайдилар.

2. Янги кўникумга ўз такомилига етказилиши билан болаларга ўрганишни давом эттириш учун янги вазифалар керак бўлади. Лекин бу вазифалар ҳам реалистик бўлиши зарур.

Болага йўналтирилган ёндашув

1. Педагоглар жорий даврдаги олға силжиш даражасини белгилаётганларида ва кейинги қадамларни режалаштираётганларида дастур мақсадларини хотирада тутадилар.

2. Мақсадлар қанчалик реалистик эканлиги даражаси индивидуал боланинг ривожланиш даражасига, олдинги тажрибаларга, билим ва кўникумларга, шу жумладан, ўқитиш рўй бераётган контекстга боғлиқ бўлади.

Педагог қабул қиласидиган қарорлар

1. Катта ёшдаги болалар педагоглари ҳар куни болалар қандай китобларни ўқишилари, кичик гурухларга қанча кишини киритиш кераклиги, қанақа саволларни бериш, бошқалар билан ўйинга киришиб кета олмаётган болага қандай қилиб ёрдам бериш бўйича кўплаб қарорларни қабул қиласидилар.

2. Бошқа қарорлар – педагоглар ривожлантирувчи муҳитга, материилларни жойлаштиришга, кичик гурухларда ишлаш учун болаларни қандай қилиб тақсимлашга нисбатан қабул қиласидиган қарорлардир.

3. Барча вазиятларда қабул қилинадиган қарорлар синчиклаб кўриб чиқиш ва режалаштириш натижаси бўлиб саналиши керак.

Педагоглар томонидан ахборотлаштирилган қарорларни қабул қилиш – барча кичик ва муҳим қарорлар ахборотлаштирилган ҳолда, яъни, педагог ўз кузатувлари (болаларни кузатиш ва уларнинг ота-оналари билан суҳбатлашиш натижасида тарбиячилар ҳар бир боланинг кучли ва кучсиз томонларини, шунингдек, қизиқишлиарни билиб оладилар) асосида оладиган ахборотларга таянган ҳолда қабул қилиниши лозим.

Педагог диққат қилиши лозим бўлган омиллар – болани ўқитиш бўйича қарор қабул қилишда педагогни етаклаши лозим бўлган учта муҳим омил мавжуддир:

1. Берилган ёш гуруҳидаги болаларнинг ривожланиши ва ўқиши ҳақида нималар маълум бўлса уларни эътиборга олиш. Педагогларни болаларни ёш хусусиятларини билиши, болаларнинг ёш хусусиятларига мос ҳолда таълим жараёнини ташкил этиш имконини беради, ишларни режалаштириш, қандай материаллар ва машғулотлар хавфсиз, қизиқарли,

ёрдам беради. “Ўқитиш фақат ривожланиш олға қараб силжиганидагина яхшидир”. Бунда у ҳаётга яқин ривожланиш худудида ётадиган бошқа кўплаб функцияларни уйғотадати ва келтириб чиқаради. “Педагогика бола ривожланишининг кечаги эмас, балки эртанги кунига йўналтирилиши лозимдир” .

етарлича мураккаб бўлиши болаларнинг яхши ривожланиши ҳамда ўқитилишига ёрдам беради. Бу омил ёшига мослик деб аталади.

2. Ҳар бир боланинг индивидуал хусусиятларини эътиборга олиш.

Ҳар бир индивидуал боланинг кучли ва кучсиз томонлари, қизиқишлиари ва эҳтиёжлари ҳақидаги маълумотларни тўплаш педагогларга ўқитишида мослаштирилган ва индивидуал вариатив ёндашувларни амалга ошириш ҳамда самарали индивидуаллаштириш имконини беради.

3. Болалар яшайдиган ижтимоий ва маданий қадриятлар ҳақида нима маълум бўлса, уларни эътиборга олиш. Боланинг уйидаги ва ўз ҳамжамиятидаги турмушини шакллантирадиган қадриятлар, кутишлар, хулқ-автор ва тилга доир ўзига хосликларни ўрганиш педагогларга болалар учун маънога эга бўлган ривожлантирувчи муҳитини ва машғулотларни ташкил этишга имкон беради, уларнинг маданияти билан таққосланади ва болаларга ҳамда уларнинг оиласларига ҳурмат намойиш этилади.

4.3.Ривожлантирувчи ёндашув

Ривожлантирувчи ёндашув – боланинг табиий равища улғайишининг муҳимлигини баҳолаш ва таҳлил этиш имкониятини яратадиган ривожлантиришга йўналтирилган ёндашув.

Бу ёндашувга мувофиқ болалар:

ўйин жараёнида атроф муҳит ҳақидаги маълумотларни ўзлаштириб, фаол таълим олади;

ривожланишнинг қонуний босқичларини босиб ўтади;

ҳиссий ва когнитив(ақлий) ривожланиши учун ижтимоий ўзаро муносабатларга эҳтиёж сезади.

Ҳар бири ўзига хос суръатда, бетакрор шахс сифатида ривожланади.

4.4 Индивидуаллаштириш

Индивидуаллашув – ўта муҳим масала, чунки ёндашув қай даражада индивидуал бўлса, ҳар бир бола шу даражада мўлжалдаги таълим натижаларига эришишининг эҳтимоли ортади ва шу туфайли дастурнинг амалга оширилиши осон кечади, муайян фан билан боғлиқ муаммолар камаяди, ўзлаштирилган билим ва кўникмалар ошади.

Индивидуаллаштириш таълим жараёнини боланинг ёш хусусиятлари, қобилияти ва талаб - эҳтиёжлари билан мослаштириш имкониятини беради. Бу жараёнда болаларнинг билим доираси кенгайиб, ўзига нисбатан ҳурмати ошади. Уларда янада мураккаброқ масалаларни ҳал этишга тайёргарлик ҳисси пайдо бўлади.

Педагог ўзгарувчан вазифалар ва фаолиятнинг қизиқарли турларини режалаштириши, болаларни диққат билан кузатиши, зарур ҳолларда, материал ва вазифаларни алмаштириши ва мослаштириши лозим. Болаларни кузатиш ва ота-оналар билан суҳбат натижасида педагоглар ҳар бир боланинг кучли ва заиф жиҳатлари ҳамда қизиқишиларини ўрганади. Педагогик стратегия – бу болаларнинг қўйилган мақсадларга эришишига ёрдам берадиган педагог қўллайдиган муайян услублар йиғиндиси. Унинг

асосини боланинг қизиқишлари, унинг кучли ва заиф жиҳатлари, таълим услуби, ёш хусусиятлари ва шахсий сифатларни эътиборга олиш ташкил этади.

4.5.Ривожлантирувчи ўқитиши мұхити

Бу фаолликнинг ҳар-хил турлари билан түлдирилган таълим жараёнини амалга ошириш бўлиб, у функционаллик, болалар учун қўлланмалар ва материалларнинг оммабоплиги, кўп бўғинлилик (турлича ривожланиш даражасига эга болаларнинг ўз-ўзини юзага чиқаришларини таъминлайди) ва кўп функционаллилик (болаларнинг ҳар хил фаолият турларига жалб этилишини таъминлайди) билан ажралиб турадиган ривожлантирувчи мұхитнинг рационал ташкил этилишини талаб қиласди. Бу айниқса, катта мактабгача ёшдаги болаларнинг мазмунли мустақил фаолияти учун ўта мұхимдир.

Гуруҳ хонасида болаларнинг ўз қизиқишлари бўйича эркин мустақил фаолият учун майдонча ажратилади. Бу сюжетли ўйин, тажриба ва синовларни ўтказиш, стол устидаги ва дидактик ўйинлар, конструкцияларни ясаш, қўл меҳнати ва бадиий фаолият учун ажратилган паст стеллажлар, шкафчалар, шунингдек, китоблар ва альбомларни bemalol томоша қилиш, ўқиш мумкин бўладиган китоблар бурчаги бўлиши мумкин.

Гуруҳ хонасининг жиҳозланиши ўз ичига болаларнинг кўз билан яхши кўра оладиган, яқин келиб, кўриб чиқиши мумкин бўладиган баландлиқда осилган ярим шарлар харитасини, Ўзбекистон харитасини, глобусларни, ҳаракатланадиган икки томонлама ёзув тахтасини олиши лозим бўлиб, улардан расм чизиш, ёзиш учун машғулотларда ҳамда схемаларни, иллюстратив материалларни ва шу кабиларни намойиш қилиш учун стенд сифатида фойдаланиш мумкин. Ёзув тахтасидан барча болалар ҳар доим фойдалана оладиган бўлиши керак.

Гуруҳлар хоналаридаги стенларда ва фойеда болаларнинг ишлари экспозицияларини, шунингдек, улар машғулотларда катта ёшлилар билан биргалиқда тайёрлаган жадваллар, паннолар ва шу кабиларни жойлаштириш имкониятини кўзда тутмоқ керак.

Мактабгача таълим ташкилотчи ҳудудидаги гуруҳлардаги ҳолат шундай яратиладики, бунга кўра у боланинг танловни мустақил амалга ошириши имконини бериши лозим. Ҳар бир гуруҳнинг хонаси би нечта марказларга ажратилиши мумкин бўлиб, уларнинг ҳар бирида ўрганиш ва ўйнаш, тажриба ва синов ўтказиш, бошқа болалар ва катталар билан ўзаро ҳаракат қилиш учун етарлича миқдордаги материаллар мавжуд бўлади. Ҳар хил гуруҳларда марказлардаги тўпламлар болаларнинг ёши, қизиқишлари, эҳтиёжларига боғлиқ ҳолда турлича бўлиши, вақт ўтиши билан улар алмаштирилиши, бир марказ бошқасига трансформацияланиши мумкиндири. Масалан, сюжетли-ролли маркази бир вақтнинг ўзида тасвирий фаолият маркази бўлиши, бошқа вақтда эса китобларни томоша қилиш ва ўқиш маркази бўлиши мумкин. Лекин китобларни тоза ҳавода ҳам ўқиш мумкин, шунинг учун мактабгача таълим маркази ҳудудини ҳам ривожлантирувчи мұхитнинг мұхим таркибий қисми сифатида олиб қараш керак бўлади.

Мактабга тайёрлаш бўйича гурухларда 5 тадан кам бўлмаган турли хил фаолият марказларини кўзда тутиш тавсия қилинади⁴.

Маҳаллий худуд (маҳалла)нинг ресурсларини ҳам ёддан чиқармаслик лозим, шунинг учун педагог болалар билан музей, парк, фермага, томорқага саёҳатларни ташкил этиши, меҳмонга чақиришни режалаштириши лозим бўлади.

Дастур ривожлантирувчи муҳит деганда нафақат мактабгача таълим ташкилоти хоналарини, балки унга ёндош худудларнинг, шунингдек, маҳаллий худуд (маҳалла)нинг ресурсларининг ҳам тушунилишини таклиф қиласди.

4.6. Мактабгача таълим ташкилотида ўйин фаолиятнинг етакчи тури сифатида

Тадқиқотлар натижаларига кўра (К. Гроос, В. Штерн, Ф. Бонтендейк, Ж. Пиаже, Э.Эриксон, Л. Выготский, Д.Б. Эльконин и др.), ўйин кичик болалар ҳаётининг муҳим қисми бўлиб, ўйин билан ривожланиш узвий боғлиқ жараёнлардир. Экспертларнинг фикрича, «Ўйин болаларга билим доираси ва ҳаракат кўникмаларини ривожлантириш, уларни қуршаб одамлар дунёси ва ундаги ўзининг ўрнини англаш учун зарур» (Фрост и Якоб, 1995г.). Ўйин жараёнида болалар ҳамкорлик қилишга ўрганади, қоидалар билан танишади ва янгиларини ишлаб чиқади, ўзига ва бошқаларга баҳо бериши кўникмаларини ривожланади, шахсий, жисмоний, интеллектуал ва ижтимоий муаммоларни ҳал этади.

«Илм йўли» вариатив дастури кузатиш ва изланиш, тажриба ўтказиш ва лойиҳавий фаолият каби муҳим турларларнинг аҳамиятини инкор этмаган ҳолда, фаолиятнинг етакчи тури – ўйинга педагогларнинг диққат-эътиборини жалб этади. Айнан ўйин жараёнида маълум даражада фаолиятнинг мазкур турларининг барчасида албатта иштирок этади.

4.7. Инклюзив таълим тамоиллари

Инклюзив таълим – таълим-тарбиянинг мутлақо янги тизими. Бу ҳол педагог томонидан таълим жараёнигини ташкил этишда ҳар бир боланинг физиологик ва руҳий ривожланиши, айниқса, ўзига хос болаларнинг индивидуал хусусиятларини эътиборга олинишини англатади

«Илм йўли» вариатив дастури муаллифларининг назарида, мактабгача таълим ташкилоти таълим-тарбия вазифасини амалга ошириш билан биргаликда, бола ҳаётий фаолиятининг асосий соҳаси ҳамдир. Шу муносабат билан, мазкур дастурда айнан педагог ҳар бир боланинг ички имкониятларини рўёбга чиқариш ҳуқуқини таъминлаши лозим деган ғояни илгари суради.

Бу жараёнда болаларнинг заиф тоифасига алоҳида эътибор талаб этилади. Жамоада болалар бир-бири билан ўзаро алоқа боғлашга, жинси, ирқи, миллати, маданияти, тили, эътиқоди, ёши, алоҳида талаб-эҳтиёжлари,

⁴“Билимлар йўли” Вариатив дастурига 9-илова, “Ривожланиш марказларини самарали ташкил этиш бўйича методик тавсиялар”.

оиланинг тузилиши ва унинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатидан қатъи назар, бошқа кишилар билан дўстона муносабатлар ўрнатишга ўрганади.

«Илм йўли» вариатив дастури инклюзив таълимнинг қуидаги тамойилларига таянади:

- Инсоннинг қадр-қиммати унинг қобилияти ва эришган ютуқлари билан белгиланмайди;
- Ҳар бир инсон ҳис этиш ва фикр юритишга қодир;
- Ҳар бир инсон мулокот юритишга ва унинг фикрлари эътироф этилишига ҳақлидир;
- Барча кишилар бир-бирига эҳтиёж сезади;
- Чинакам таълим муайян ўзаро муносабатлар доирасидагина амалга оширилиши мумкин;
- Барча инсонлар қўллаб-қувватлашга ва тенгдошлар билан дўст бўлишга эҳтиёж сезади;
- Таълим олаётганлар учун ижобий ютуқларга эришиш қўлидан келмайдиган ишдан кўра, уddeлай оладиган ишда кўпроқ намоён бўлади;
- Ранг-баранглик инсон ҳаётини бойитади;
- Бир-биrimиздан фарқ қилишимиз ва ҳар биримиз индивидуал шахс эканимизни тан олиш;
- Ривожлантирувчи дастурларнинг индивидуаллашувини таъминлаш, яъни дастурларни ҳар бир боланинг биргаликдаги фаолият доирасидаги талаб-эҳтиёжлари ҳамда мактабгача таълим ташкилоти ва мажбурий бир йиллик мактабга тайёрлов гуруҳларнинг умумий мақсадларини эътиборга олган ҳолда тузиш;
- Таълим-тарбия жараёнида болаларнинг ўқишини, уларнинг ривожланиши ва мактабгача таълим ташкилоти ҳаётида фаол иштирокини қўллаб-қувватлаш борасида қимматли услубий тажриба тўплаш;
- Барча болалар бир хил тақдирланиши лозим;
- Ёш хусусиятларига мос бўлган умумий ўқув режасидан фойдалана олиш имкониятини яратадиган таълимнинг дифференцияллашган стратегияларига таяниш;
- Мактабгача таълим ташкилоти ва қисқа муддатли гуруҳларни боланинг талаб-эҳтиёжларига узлуксиз мослашувини таъминлаш;
- болаларни бир йиллик мажбурий мактабга тайёрлаш бўйича гуруҳлар ва мактабгача таълим ташкилотининг боланинг талаб-эҳтиёжларига доимий мослаштирилишини таъминлаш.

Инклюзив таълим принципиаль жиҳатдан янгила тизим бўлиб саналади. Бу шуни англатадики, бунда педагогларга таълим жараёнини тузиб чиқиша алоҳида олинган боланинг, айниқса, нотипик ривожланишга эга болаларнинг физиологияси ва психикаси ривожланиши билан боғлиқ бўладиган индивидуал ўзига хосликларини ҳисобга олишлари керак бўлади

V боб. Ўқув-тарбия фаолияти

Ўқув-тарбия фаолияти “Ўзбекистон Республикасида илк ва мактабгача ёшдаги болаларнинг ривожланишига қўйиладиган Давлат талаблари” асосида амалга оширилади.

Мактабгача таълим ташкилотлари ўқув ва тарбиявий фаолиятни ўқув йиллари бўйича ташкил этадилади⁵.

Ўқув йили ҳар йилнинг 2 сентябридан бошланади ва 31 майгача давом этади.

Тўлиқ ва нотўлиқ тайёрлов гуруҳлари ўқув-тарбиявий жараённи ҳафтасига 15 соатдан кам бўлмаган ҳажмда ташкил этилади.

6-7 ёшли болаларни мактабга мажбурий бир йиллик тайёрлаш бўйича гуруҳлар давлат мактабгача таълим ташкилотлари базасида, мактабларда, маҳаллий худудлар (маҳаллалар)да, мактабгача таълим соҳасида нодавлат таълим хизматларини кўрсатувчи юридик шахслар базасида, шу жумладан, оиласвий мактабгача таълим ташкилотларида ташкил этилиши мумкин.

Мазкур гуруҳлардаги болаларнинг рўйхати мактабгача таълим ташкилоти жойлашган худудга бириклирлган мактабгача таълим ташкилотларининг ходимлари ҳовлима-ҳовли, хонадонма-хонадон юриб, кўриб чиқишилари орқали шакллантирилади.

6-7 ёшли болаларни мактабга мажбурий бир йиллик тайёрлаш бўйича гуруҳлар давлат мактабгача таълим ташкилотлари базасида, мактабларда, маҳаллий худудлар(маҳаллалар)да, мактабгача таълим соҳасида нодавлат таълим хизматларини кўрсатувчи юридик шахслар базасида, шу жумладан, оиласвий мактабгача таълим ташкилотларида ташкил этилади.

Бошланғич таълимга мажбурий бир йиллик тайёрловдан ўтган болаларга давлат намунасидаги бошланғич таълимга мажбурий бир йиллик тайёрловдан ўтганлиги ҳақида сертификат берилади.

VI боб. Режалаштириш

Режалаштириш – зарур шарт-шароитларни, фойдаланиладиган воситалар, шакллар ва методларни кўрстаиш билан ўқув-тарбиявий ишларни амалга ошириш кетма-кетлигини, тартибини олдиндан белгилашдир. Режалаштириш қанчалик саводли, ўйлаб амалга оширилган бўлиши бутун ўқув-тарбиявий ишларнинг самарадорлигига боғлиқ бўлади.

Режалаштириш педагогик вазият ривожланишидаги ноаниқлик улушининг сезиларли даражада камайишига, балки педагогнинг бугунги ва эртанги кунлардаги ҳаракатларининг изчиллигини таъминлашга ҳам имкон беради.

Тарбиявий ишларни режалаштириш педагог, болалар жамоаси ва ота-оналарнинг ҳамкорлигига, улар томонидан ҳамкорликдаги ўз вазифалари ва мақсадларининг англаб етилишига, мактабгача таълим ташкилотидаги

⁵ “Илм йўли” Вариатив дастурига 1-илова, “Бошланғич таълимга болаларнинг мажбурий йиллик тайёрлаш бўйича гуруҳларда ишловчи педагоглар учун тавсиялар”.

ҳаётни қизиқарли, фойдали, ижодий жараёнга айлантириш истагига асосланади.

Режалаштириш моделини танлашда ҳар бир педагогнинг касбий тайёргарлигини, унинг тажрибасини, ўз фаолияти натижаларни кўра олиш маҳоратини, уларнинг таҳлил қилинишини, шу жумладан, МТТ даги иш шарт-шароитларини ҳисобга олиш лозим бўлади.

Таълим-тарбия фаолияти гурухнинг кун тартибига⁶ таяниб, унда кундалик ҳаракатлар, болалар ўйинлари, бўш вақт ва педагог режалаштирган таълим-тарбия ишларининг турлари⁷ навбати билан кўрсатилади.

Таълим-тарбия фаолияти таълимий ва ижтимоий эҳтиёжларни (соғлик, овқатланш ва хавфсизлик) қондириш мақсадларида боланинг ёшга доир ва индивидуал ривожланишига асосланадиган ўкув режасига мувофиқ олиб⁶ “Илм йўли” вариатив дастурига 6-илова, «Бошланғич таълимга болаларнинг мажбурий бир йиллик тайёрлаш бўйича гурухлардаги намунавий кун тартиби».

⁷ “Илмга йўли” вариатив дастурига 7-илова, «Мажбурий бир йиллик тайёрлаш гуруҳида ўтказиладиган машғулотларнинг намунавий миқдори» берилган. Таълим-тарбия фаолияти боланинг кундалик ҳаётидан ва уни ўраб турган муҳитдан⁸ келиб чиқадиган яхлит бутун мавзуларга бирлаштирилади.

Таълим-тарбия фаолиятини режалаштириш ўқитиш шарт-шароитларига боғлиқ ҳолда интеграциялаш, турли-туманлик ва мослашувчанлик асосида амалга оширилади, мана шундай қилиб педагог ишларнинг режасини мустақил ишлаб чиқиш имкониятига эга бўлади.

Таълим-тарбия фаолиятида режалаштиришнинг қуидаги турлари ажратиб кўрсатилади:

- йиллик мавзуй режалаштириш;
- ҳафталиқ режалаштириш.

Режалаштириш давомида фаолиятнинг мақсадлари, мавзуси, мазмуни ва турлари келтириб ўтилади. Фаолиятни танлаб олишда таълим-тарбия фаолиятининг умумий мақсадлари ҳам, ривожланиш соҳалари бўйича мақсадлар ҳам, фаолият мазмуни ва турларининг интеграциялашуви ҳам ҳисобга олинади.

Режалаштириш давомида кун тартибини эътиборга олиш зарурдир. Кун тартиби иш суръатини белгилаб беради ва болага бир фаолиятдан бошқасига бир текисда ўтишга ёрдам бериши керак. Шуни ёдда тушиб керакки, ўйин мактабгача ёшда боланинг асосий фаолият тури бўлиб ҳисобланади. кун тартибини тузиб чиқишида кундузги уйқу (бу ҳисобга олинмаслиги ҳам мумкин), дам олиш вақти, сайд қилиш вақти ҳисобга олинади.

Йиллик мавзуй режа.

Йиллик мавзуи режада ой мавзулари, ҳафта мавзулари акс этади. Мактабгача таълим ташкилотлари ўзларининг йиллик мавзуй режаларини минтақавий ёки бошқа ўзига хосликларнинг ҳисобга олиб тузиб чиқишлиари ҳам мумкин. Мазкур мавзуй режа мактабгача таълим ташкилотининг Педагогик кенгашида тасдиқланади⁹.

⁸ “Илм йўли” вариатив дастурига 8-илова, «Намунавий йиллик мавзуй режа»

⁹ “Илм йўли” вариатив дастурига 10-илова, «Намунавий мавзуй режалаштириш»

Иш режаси қуидагиларга имкон беради:

- таълим-тарбиянинг фаолиятининг мақсади, стратегик ва тактик вазифаларини аниқ ифода этиш;
- таълим-тарбия ишининг мазмунини мақсали белгилаш, унинг воситалари ва ташкилий шаклланини танлаш;
- жамоанинг ва ҳар бир шахснинг илгариланма ҳаракатини режалаштириб ҳамда тегишли ўзгартиришлар киритиб бориш жараёнида ўз фаолиятнинг истиқболдаги натижаларини белгилаш имкониятини яратади.

Илмий жиҳатдан асосланган аниқ-тиник педагогик режанинг мавжудлиги педагог ишни енгиллаштириб, унинг ижодий имкониятиларини оширади.

Таълим-тарбия ишини режалаштириш педагог, болалар жамоаси ва ота-оналарнинг ўзара ҳамкорлигига, улар томонидан биргаликдаги фаолият мақсад ва вазифалари таҳлил этишга асосланади.

Ўзбекистон Республикасининг илк ва мактабгача таълимга қўйиладиган Давлат талаблари, болаларни мажбурий бир йиллик таълимга тайёрлаш гуруҳларда мактабга тайёрлаш «Илм йўли» вариатив дастури педагоглар учун янги имкониятларни вужудга келтиради, мактабгача таълим муассасаларида таълим жараёнини ташкил этишда қўлланаётган эски шакл ва услубларни қайта кўриб чиқишига ундейди, педагогик ташаббус, тажриба ва ижодга кенг йўл очади.

Ҳафталик режа.

Ҳафталик режа йиллик мавзуй режага таянади ва ўз ичига ҳафтанинг кичик мавзуларини, шу жумладан, шу мавзу бўйича мазкур ҳафтада ўтказиладиган чора-тадбирларни олади.

Ҳафталик режа ҳафта мавзусига мос ҳолда ривожланишнинг барча соҳалари бўйича мақсадларнинг белгиланишига, мос ҳолдаги марказларнинг тайёрланишига, машғулотларнинг тасмиланишига йўналтирилади. Ҳафта мавзуси эркин фаолиятнинг барча марказлари орқали ўтиши лозимdir. Ҳафталик режада ҳам гуруҳдаги, ҳам ташқарида сайр қилиш вақтидаги дидактик ўйинлар, ҳаракатли ўйинлар режалаштирилади.

Болалар билан ишлашнинг мазмуни ва кетма-кетлиги фаолият турини (фал фаолият/пассив фаолият; индивидуал (кичик гуруҳда ёки катта гуруҳда; тарбиячи раҳбарлиги остидаги) фаолият, бола раҳбарлиги остидаги фаолият) ва уни амалга ошириш жойини (хона ичидаги фаолият/ташқаридаги фаолият) ҳисобга олиш биан режалаштирилиши зарур.

Ҳафталик иш режаси турли-туман ва мослашувчан бўлиб ҳисобланади, яъни, боланинг қизиқишиларини ва об-ҳаво ўзгаришларини эътиборга олган ҳолда режалаштирилаётган фаолият бошқаси билан алмаштирилиши мумкин ёки фаоллик вақти коррекцияланиши мумкин бўлади. Масалан, тарбиячи баҳорги гуллаётган бокқа болаларни олиб боришни

режалаштирган, лекин об-ҳаво ёмғирли бўлса, у ҳолда бу тадбир хона ичида ўтказиладиган бошқа тадбир билан алмаштирилиши мумкин.

Ҳафталик режа – бу тарбиячининг ишчи журнали ва машғулотларнинг конспектидир.

Тарбиячининг ишчи журнали¹⁰ ўз ичига қуидаги бўлимларни олади:

- титул вараги;
- ҳаво илиқ ва совуқ вақтларда гуруҳнинг кун тартиби;
- эрталабки гимнастика мажмуаси;
- сентябрдан август ойигача гуруҳдаги таълим жараёнини режалаштириш (ўз ичига эрталабки линейка, сайдлар, ота-оналар билан сұхбатларни олади);
- ҳафталик ишлар таҳлили;
- иловалар.

Машғулотларнинг конспектлари фаолият мақсадлари, унинг қисқача баёни, зарурий жиҳозлар рўйхатидан иборат бўлади. Мазкур конспектлар тавсиянома хусусиятига эга бўлиб, тарбиячининг кўрсатмасига биноан ижодий тарзда ўзгарилиши ҳам мумкин.

¹⁰ “Илм йўли” Вариатив дастурига 11-илова, «Педагогнинг иш журнали намунавий шакли».

VII боб. Машғулотлардаги үқитиши

Таълим-тарбия фаолиятининг мақсади бўлиб болада умумий асосий компетенцияларнинг ва ривожланиш соҳалари компетенцияларининг шакллантирилиши учун шарт-шароитларни яратиш ҳисобланади.

Болаларни мактабга тайёрлаш гурухларида болаларнинг барча фаолияти, машғулотларни ҳам ўз ичига олган ҳолда ўйинли тарзда ўтказилади.

Илк ва мактабгача ёшдаги болаларнинг ривожланишига қўйиладиган Давлат талабларига мос ҳолда кўзда тутиладики, бола мактабгача тайёрлов гуруҳидан чиқишда маълум бир натижаларга эриша олади.

7.1. Жисмоний ривожланиш ва соғлом турмуш тарзини шакллантириши

1.Жисмоний ривожланиш ва соғлом турмуш тарзининг шаклланиши

Кичик соҳа: Йирик моторика

Талаб: Бола ўз тана аъзоларини бошқаради, мақсадли тўғри ҳаракатланади

Кутилаётган натижа:

- бир, икки, тўртта бўлиб сафланади, доира бўлиб, қатор бўлиб юради;
- юришда турли топшириқларни бажаради;
- енгил югуради (шиддат билан, тўсиқларни енгиб ўтиб, йўналиш ва мувозанатни сақлаган ҳолда);
- бир жойда айланиб сакрайди, оёқларини ўнгга ва чапга алмаштириб сакрайди;
- арқонда турли усулларда сакрайди;
- арқонли нарвон, йўғон арқонда юқорига кўтарилади;
- икки оёқли велосипедда учади.

Кичик соҳа: Майдад моторика

Талаб: Бола қўли ва бармоқларини турли мақсадларда ишлатади

Кутилаётган натижа:

- тасаввурдаги предметларни қўллари билан (гул, қуш, капалак, қаср) кўрсатади;
- арқонлардан турли тугунларни тугади;
- ўйин фаолияти мобайнида майдада ўйинчоқлар билан ўйнайди;
- белгиланган чизиқлар бўйлаб қоғозни батартиб йирта олади;
- майдада қисмли мозаика ва пазлларни йиғади.

Кичик соҳа: Сенсомоторика

Талаб: Бола сезги органлари ёрдамида ўз ҳаракатларини бошқаришга қодир

Кутилаётган натижа:

- пастдан, боши узра коптокни ирғитади;
- коптокни ер бўйлаб илонизи қилиб ирғитади;
- чанада, роликда, икки оёқли велосипедда учади;
- копток билан нишонни уриб туширади (боулинг);
- гардишни қўлида, оёғида, белида айлантиради;

- ҳалқаларни ҳалқа устунига отиб туширади.

Кичик соҳа: : Соғлом турмуш тарзи ва хавфсизлик

Талаб: Бола соғлиқни сақлаш малакаларини намоён қилади. Бола хавфсиз соғлом таом ва ҳаёт хавфсизлиги қоидалари ҳақида тушунчага эга.

Кутилаётган натижа:

- ўзининг ташқи кўринишига этибор беради;
- жисмоний машқларни мустақил бажаради;
- табиат бурчагидаги ўсимликлар ва жонзотларни парваришлайди;
- саломатликка заарарли бўлган хулқ шаклларини англайди (чекиш, ичкиликбозлик, олов билан ўйнаш ва ҳоказо);
- боғчада, кўчада, транспортда юриш қоидаларига риоя қилади;
- пиёдалар ва велосипедчилар учун йўл қоидаларини билади;
- ёнғин хавфсизлиги -101; миллий гвардия- 102; тез ёрдам -103; газ хизмати - 104 телефон рақамларини билади;
- хавфли вазиятларда қандай йўл тутишни билади ва тушунтиради
- супермаркетда, шаҳарда, қишлоқда, далада йўқолиб қолса, ўзини қандай тутиш кераклигини билади.

7.2. Ижтимоий-ҳиссий ривожланиш

Кичик соҳа: «Мен» концепцияси

Талаб: Бола ўзини ўзига хос хусусиятлари билан, ижобий шахс сифатида қабул қилади, мустақил ва ўз хатти-ҳаракатига жавоб беради.

Кутилаётган натижа:

- мустақилликка интилади;
- ўзининг оиласи, гендер мансублигига ижобий ҳис туйғуларни англайди ва фарқлай олади;
- ўзининг миллати, тили ва ўз маданиятининг муҳим элементларини билади;
- ўзига юқлатиган мажбуриятлар асосида фаолиятни ташкил қилади;
- шахсий қарорларини қабул қилишга қодир;
- бошқаларга намуна бўлишга ҳаракат қилади.

Кичик соҳа: «Мен» концепцияси

Талаб: Ҳиссиётлар ва уларни бошқариш.

Кутилаётган натижа:

- ўз ҳиссиётлари назорат қилади;
- турли ижтимоий вазиятларга эмоционал муносабат билдиради;
- ўз ҳиссий ҳолатини изоҳлаб бериши мумкин;
- бошқа инсонлар ёки бадиий асарлар қаҳрамонлари ҳиссиёти ҳақида гапиради;
- ўзини ёмон ҳис этаётганларга ҳамдардлик билдиради ва юпатади.

Кичик соҳа: Ижтимоийлашув, катталар ва тенгдошлар билан мулоқот.

Талаб: Бола тенгдошлари ва катталар билан мулоқот малакаларини ривожлантиришга қодир.

Кутилаётган натижа:

- катталар ва тенгдошлар билан осон мuloқотда бўлади;
- қийин вазиятларда амалий ечим қидиради;
- бошқалар хатти-ҳаракатига ўз таассуротларини билдиради;
- ўзгалар ютуғига қувонганлигини намоён этади;
- низоларни ҳал этишда бир неча методлардан фойдаланади (тинчлантиради, ўз ўйинчогини беради, мулойим сўзлар айтади);
- ўйинлар ўйлаб топади, сюжетли ролли ўйинлар, турли эртакларни саҳналаштиришда иштирок этади.

7.3. Нутқ, мuloқот, ўқишиш ва ёзиш малакалари

Кичик соҳа: Нутқ ва тил

Талаб: Бола нутқни тинглайди ва англайди, сўзлашади ва мuloқот қиласади.

Кутилаётган натижа:

- ўз она тилида эркин сўзлашади; сўз туркумларини ёшига монанд мустақил, грамматик тўғри қўллайди;
- гапдан синоним ва антонимларни топа олади ва берилган сўзларга уларни мослайди;
- кўп маъноли сўзларни турли маъноларини фарқлайди;
- турли гапларни тузади;
- шахсий тажрибасига таяниб, расм юзасидан тасвирий ҳикояни мустақил тузади;
- турли жанрдаги бадиий асарларни ифодали ҳикоялайди;
- гуруҳ муокамасида мuloқотга киришиб ва тинглаб иштирок этади;
- қофиялар тузади, топишмоқлар топади;
- нутқида хорижий сўзларни қўллайди;
- кичик шеърларни, қофияларни сўзлаб бериши мумкин;
- йил фасллари номини билади (баҳор, ёз, куз, қиш).

Кичик соҳа: Ўқишиш малакалари

Талаб: Бола китоб ва ўқишига қизиқишиш билдиради.

Кутилаётган натижа:

- бошқа болаларга эслаб қолган китоб мазмунини сўзлаб беради;
- содда ва мураккаб гапларни нутқида қўллайди;
- сўзларни бўғинларга бўлади;
- бўғинли карточкалар ёрдамида бўғинлардан сўзлар тузади;
- сўз, товуш, бўғин, гап ҳақида тушунчага эга;
- пешлавҳа, китоб номлари, расм тагидаги ёзувлар ва ҳоказоларни ўқииди;
- болалар адабиёти жанри номини билади (эртак, шеър, ҳикоя) ;
- машҳур ёзувчи ва шоирлар номини билади.

Кичик соҳа: Қўл бармоқлари майда моторикаси

Талаб: Болада ёзув малакаси шаклланади.

Кутилаётган натижа:

- қофозда тўғри чизиқлар, сўзлар ва қисқа гапларни ёзади;
- дафтардаги ёзув қаторларини аниқлай олади;
- расмларни тўғри жойлаштиради;
- қўлни узмасдан нуқта-чизиқчаларни бирлаштириб расм чизади;

- методаги расмни түқииди;
- «ўзига» ва «ўзидан» ҳаракатлари йўналишини тушунади;
- турли материаллардан мураккаб намуналарни қирқади.

7.4. Билиш жараёнини ривожланиши

Кичик соҳа: Интеллектуал-англаш малакалари

Талаб: Бола қизиқувчан, интилувчан, фаол, билишга қизиқиш билдиради ва унга эҳтиёжи мавжуд

Кутилаётган натижа:

- атроф-олам ҳақида мустақил маълумот излайди;
- кузатувлар асосида хулоса қиласи ва умумлаштиради;
- йил фасллари ва воқеа-ҳодиса кетма-кетлигини айтади;
- расмлар бўйича кетма-кетликни сақлаган ҳолда фикр юритади, мулоҳаза қиласи;
- ўз мамлакати ва унинг рамзлари ҳақида тушунчага эга;
- ўз халқининг айрим миллий анъаналари ва одатларини билади;
- болалар энциклопедиясидан фойдалана олади (керакли маълумотни топа олади);
- ички ва ташки белгиларга кўра предметларни гуруҳларга ажратади (ранги, шакли, ҳажми, вазни, ҳаракатланиш тезлиги, вазифасига қараб).

Кичик соҳа: Элементар математик малакалар

Талаб: Бола элементар математик малакаларга эга.

Кутилаётган натижа:

- ҳаётда сон ва саноқнинг аҳамиятини тушунади;
- геометрик шакллар ва фигуralарни билади;
- 20гача бўлган айрим математик ҳаракатларни бажаради;
- 10 гача қўшиш ва айришили содда математик вазифаларни ечади (сон ва белгиларни қўллаган ҳолда +, -, =);
- сон қатори ҳақида тушунчага эга
- гуруҳларни тенг ёки тенг эмаслигини таҳлил қиласи (қанчага кўп?, қанчага кам?);
- ҳажми, баландлиги ва қалинлигига қараб предметларни кетма кет жойлаштиради;
- шартли белги асосида суюқ, сочишувчан ва қаттиқ материални ўлчайди.

7.5. Ижодий ривожланиш

Кичик соҳа: Дунёни бадиий тасаввур этиш

Талаб: Бола турли хил санъат воситаларидан фойдаланиб, дунёни ҳис этиш ва тушунишини намойиш этади.

Кутилаётган натижа:

- шеърни ифодали ўқиб бера олади;
- таниш асарларни мустақил сўзлаб беради, уларни саҳналаштиришда иштирок этади;
- шеърий ва насрий бадиий асарларга муносабат билдиради;
- мусиқий асарнинг ҳарактерини аниқлашга қодир;

- болалар шоири, ёзувчиси ва бастакорлари ҳамда уларнинг асарларини билади;
- тасвирий санъат турларини фарқлайди.

Кичик соҳа: Бадиий-ижодий қобилиятлар

Талаб: Бола атрофдаги борлиқни ижодий ўзгартириш малакасига эга.

Кутилаётган натижа:

- турли предметлардан композициялар яратади;
- индивидуал ва жамоада қўшиқ айти олади;
- рақсда ҳаракатларига жило берган холда шахсий намуна яратиши мумкин;
- мусиқий асбобларда яккахон ёки оркестрда жўр бўлиб чалиши мумкин;
- ғоя яратади ва татбиқ этади;
- мақсадга эришишда ўриндош сифатида турли предметлар қўллайди;
- турли спектаклларда роль ижро этиб иштирок этади;
- оламни ўзгартиришда инсоннинг яратувчи ролини англайди;
- буюмларни иккиламчи қўллашда ғоялар таклиф этиши мумкин

VIII боб. Кузатиш ва баҳолаш

Кузатиш – болалар ривожланишидаги ижобий ўзгаришларни уларни табиий шароитда (уйда, гурухда, очик майдончада), кун давомида турли вақтда, бутун йил давомида ҳамда тўпланган маълумотларни ҳужжатлаштириб борган ҳолда баҳолашнинг энг ишончли усули ҳисобланади. Педагогнинг иши айнан педагогик кузатувдан бошланиши зарур, чунки у болани тушунишга, болани тушунишдан эса – у ва оила аъзолари билан ўзаро алоқаларнинг энг мақбул стратегиясини танлаб олиш имкониятини яратади.

Кузатиш – бу боланинг ишлаётган ёки ўйнаётган пайтида, унинг фаолиятига аралашмаган ҳолда уни кузатиш жараёнидир. Педагог болани кузатиш орқали хатти-ҳаракатининг тури, билим олиш бўйича қизиқишилари, кўникмалар даражаси ва ривожланишидаги ижобий ўзгаришларни аниқлайди.

Ҳужжатлаштириш - бола фаоллигини кузатиш натижалини қайд этиш жараёни.

Қайд этиш – кузатилаётган фаолликни ҳужжатлаштириш жараёни. Аксарият педагоглар бу ишни табиий равишда амалга оширса ҳам, болаларни мунтазам кузатиш тўлиқ маълумот тўплаш имкониятини беради

8.1. Кузатишни ўтказишдан мақсадлар

Ҳар боланинг қизиқишилари, эҳтиёжлари ва кўникмаларини аниқлаш учун. Кузатиш болаларни шахс сифатида билишни, уларда интилевчанлик рағбатлантириш ва билим олишга бўлган эҳтиёжларини тўлиқ қондиришга ёрдам беради.

Вақт ўтиши ва таълим натижаларига кўра боладаги ўзгариш ва ривожланиш динамикасини тушуниш учун. Кузатиш болаларнинг жисмоний, ижтимоий ва ҳиссий жиҳатдан, йил давомида нутқининг ривожланиши ва саводга тайёрлигини кўриш имкониятини яратади..

Ўқитиши муҳитига ўзгаришлари киритиш учун. Педагоглар болалар учун тайёрланган жой ва материаллардан улар қандай фойдаланаётганини кузатиб, мавжуд материаллар болаларнинг эҳтиёжига жавоб бериш-бермаслиги, қўшимча материалларга зарурат бор-йўқлиги масаласига жавоб топиши мумкин.

Эътибор талаб қиласидаги ҳолатларни аниқлаш учун. Кузатиш катталарга болаларда қондирилиши зарур бўлган алоҳида эҳтиёжлар бор ёки йўқлигини кўриш имкониятини беради. Бу эштиш, таянч-ҳаракат аппарати ва бола ривожланишидаги бошқа жисмоний ва рухий муаммолар билан боғлиқ бўлиши мумкин. Бу каби муаммолар аниқланиши билан ўз вақтида тегишли мутахассисларга мурожаат этиш зарур.

Муаммовий вазиятларни мукаммал тарзда ҳал этиш усулларини аниқлаш учун. Кузатиш педагогга муайян вазиятда боладан қандай хатти-ҳаракат кутиш мумкинлигини аниқлаш ва шу орқали болалага ўз хатти-ҳаракатини бошқаришни ўрганишга ёрдам беради.

Режалаштиришга ўзгаришлар киритиш учун. Педагог кузатиш натижаларидан фойдаланиб, у ёки бу нарсани ўзгартиришга эҳтиёжни,

болаларнинг эҳтиёжларига мос равишда режага қандай ўзгартиришлар киритиш лозимлигини аниқлайди.

Ота-оналар ва МТМ мутахассислари фойдаланиши мумкин бўлган маълумотларни олиш учун. Кузатиш болаларни, уларнинг қизиқишилари, ютуқлари, мулоқот ва ўзаро алоқа кўникмаларини, муаммоларини, алоҳида эҳтиёжларини тушунишни ҳамда хулосаларнинг асослилигини таъминлашга ёрдам беради.

Педагоглар ота-оналар билан ишлаш жараёнида оиласа болалар, уларнинг кучли ва заиф томонлари, алоҳида эҳтиёжлари ҳақида кўпроқ билишга кўмаклашади. Бундай маълумот алмашув чинакам ҳамкорлик мухитини вужудга келтиради.

8.2.Муваффақиятли кузатишнинг ўзига хосликлари:

Бола ҳақида маълумот тўплаш ва баҳолаш аниқ мақсадга йўналтирилган бўлиши керак.

Маълумотларни тўплаш ва таҳлил этиш мунтазам амалга оширилиши, онда-сонда эмас, жорий характерга эга бўлиши лозим.

Кузатиш жараёнида тўпланган маълумотлар ҳужжатлаштирилиши ва таҳлил қилишини даркор.

Бола ҳақидаги билимларнинг асосини турли вазиятлардаги кузатиш натижалари ташкил этиши болаланинг ҳақиқий имкониятиларини билиш ва тушуниш, унинг ривожланиш доирасини ҳамда унинг илгарилаб бориши ёки аксинча, қийинлаштирувчи омилларни аниқлашга имконини беради.

Бола ҳақида маълумот тўплашда ҳар томонлама ёндашиш, унинг айрим хислатларига (ижобий ёки салбий бўлишидан қатъи назар) сунъий равишда алоҳида ургу беришга йўл қўймаслик даркор.

Болага хос хусусиятлар таҳлилини унинг энг яхши, кучли жиҳатларидан бошламоқ мақсадга мувофиқдир, чунки айнан шундай ёндашув болани тушунишда ва педагог фаолиятида ўзига хос таянч сифатида хизмат қиласди.

Кузатиш мезонлари (бола ҳақида маълумот тўплаш йўнаналишлари) 6-7 ёшли боланинг руҳий-жисмоний ривожланишига оид билимларга асосланиши зарур.

8.3.Кузатишнинг асосий тамойиллари:

Боланинг кузатилаётган ҳаракатини пишиқ-пухта ҳужжатлаштириш;

Субъектив талқин (педагогнинг шахсий фикри, ҳис-туйғулари) йўл қўймаслик;

Бола томонидан шахсан бажарилган ишни ёки айтилган гапнигина холисона кузатиш;

Имкон борича кўпроқ маълумот тўплаш, улар имкон даражасида содда ва тушунарли бўлиши керак

8.4.Болаларнинг индивидуал ривожланишини ҳужжатлаштириш ва кузатиб бориши

Болалар соғлигининг кундалик назорати. Болалар гурухга келиши билан тарбиячи улар соғлигининг ҳолати ҳақида қайдлар қилади.

Педагогнинг болалар билан индивидуал ишлаш дафтари¹¹. Дафтарга ривожланишнинг айрим соҳаларида алоҳида эътибор қилиш лозим бўлган болалар ҳақида маълумот қайд этилади. Педагоглар дафтардаги маълумотлардан педагогик мақсадларни қўйиш ва боланинг ривожланишига хизмат қиласиган фаолият турларини режалатиришда фойдаланиши мумкин.

¹¹“Илмга йўл” Вариатив дастурига 1-илова, «Педагог ишчи журнали намунавий шакли», «Болалар билан индивидуаль ишлаш» бўлими

“Портфолио”. Бу боланинг қисқа муддатли гурухга келганидан тортиб таълимни якунлагунга қадар ютуқлари ва ишларининг индивидуал тўплами. Портфолиодан ривожланишнинг ўз-ўзига баҳо бериш воситаси фойдаланиш, унга боланинг ўз фикр-мулоҳазаларини акс эттиришга ҳаракат қилиб, сўзлар ва сонларни ёзишга уринишларини, нуқт намуналарини ҳам киритиш мумкин. Бундан ташқари, ота-оналарнинг рухсати билан бола фаолиятини акс эттирадиган фотосуратларни, оғзаки нутқлари ёзилган аудиодискларни танлаб олиш мумкин. Болалар уларга тегишли бўлга портфелио ота-оналарга кўрсатилиши билиши лозим.

Интервью ва сұхбатлар. Болалар катталар билан ўз фикрлари, ғоя ва ишлари бўйича гаплашишни жуда хуш кўради. Бундай ҳолларда педагог болаларга самимият ва ҳурмат билан муносабатда бўлиши, ўзини қизиқтирган мавзу бўйича боланинг сўзларини тинглаши, очик

саволлар бериши, сұхбатга ундаши лозим. Бундан тадқиқотнинг мақсади болаланинг хусусиятлари ва эҳтиёжлари ҳақида кўпроқ билишдан иборат.

Бола ривожланишининг харитаси ўз ичига 6 ёшдан 7 ёшгача даврни олади¹², ҳар бир болага индивидуал ҳолда йилига уч мартадан кам бўлмаган тарзда тўлдириб борилади.

¹² “Билимлар йўли” Вариатив дастурига 12-илова, «6-7 ёшли боланинг ривожланиш харитаси».

Мактабгача таълим ташкилотсидан чиқишида **6-7 ёшли боланинг мактабга тайёрланганлиги харитаси** тўлдирилади (*фақат мактабгача таълим ташкилотсининг битирувчилари учун*¹³).

Мактабга тайёрлик деганда болада умумий компетенцияларинг ва ривожланиш соҳалари компетенцияларининг кучайтирилганлиги тушунилади. Мазкур харита мактабгача таълим ташкилотсининг ҳар бир битирувчиси учун тўлдирилади. Унда дастурга мос ҳолда ривожланишнинг барча бешта соҳалари бўйича кутилаётган натижалар (бала компетенциялари) тақдим этилади.

Тарбиячига у ёки бу натижа қай даражада акс этишини белгилаш таклиф этилади. Ривожланишнинг бешта соҳаси бўйича натижалар (бала компетенциялари) умумлаштирилади ва тавсиялар ҳамда истаклар кўринишида ота-оналарнинг диққатига етказилади.

8.5. Болаларни бошланғич таълимга мажбурий бир йиллик тайёрлаш бўйича гуруҳлардаги 6-7 ёшли болаларнинг ўқитиши самарадорлигини ва ривожланиши тараққиётининг баҳоланишини ўтказиш муддатлари

Бола ривожланиши харитасини тўлдириш учун ўз ичига учта циклни – дастлабки (ўқув йили бошидаги), оралиқ ва якуний кузатишларни олувчи кузатиш амалга оширилади.

Дастлабки кузатиш ўқув йили бошида – тахминан сентябрь ойи давомида ўтказилади. Бу босқичда ҳар бир боланинг бошланғич имкониятлари аниқланади, шу вақтга келиб унинг ютуқлари белгиланади. Тарбиячи ўз диққатини таълим соҳаларини ўзлаштириш бўйича мавжуд муаммоларга қаратади, боланинг қайси сифатларини қўллаб-кувватлаш кераклигини, ҳар бир бола учун қайси вазифалар долзарб эканлигини аниқлайди. Бундан сўнг **берилган вақт давомида боланинг ёшини ҳисобга олган ҳолда унинг ривожланиши харитасини тўлдиради**.

¹³ “Илм йўли” Вариатив дастурига 13-илова, «Боланинг мактабга тайёрлик харитаси».

Оралиқ кузатиш ярим йиллик охирида (декабрь, январь ойлари) ўтказилади. Бу кузатишнинг мақсади бўлиб болага нисбатан танлаб олинган методиканинг тўғрилигини аниқлаш, ривожланиш динамикасини белгилаш саналади. Мазкур кузатиш натижалари бўйича тарбиячи бошқа мутахассислар билан ҳамкорликда зарур вазиятларда педагогик жараёнга тузатишлар киритиши мумкин.

Ўқув йили охирида (одатда май ойида) тарбиячи **якуний кузатишни** ўтказади. Якуний кузатиш асосида белгиланган вазифалар қанчалик бажарилганилиги баҳоланади, мазкур боланинг ривожланишида кутилаётган натижаларни ҳисобга олиш билан педагогик жараённинг келгуси мақсадлари белгиланади/тўлиқ кунлик қатнаш гуруҳида иштирок этишни ҳисобга оилш билан ёзги давр учун индивидуал ишни олиб бориш белгиланади.

Кузатишни ўтказишда қуйидаги тамойилларга риоя қилиш тавсия қилинади:

- кузатиш бола учун одатий вазиятларда амалга оширилади ва болага ёрдам кўрстишга йўналтирилади;
- кузатиш боланинг ривожланиши ҳақида янада объектив тасаввур юзага келиши учун икки ҳафтадан кам бўлмаган (ёки бир ой давомида) тарзда ўтказилади;
- тарбиячи бола ҳақидаги ахборотларни ота-оналар ва ташкилотининг бошқа ходимлари билан бўлган сұхбатлардан ҳам олиши мумкин;
- тарбиячи боланинг мойилликларига, қизиқишиларига, унинг мулоқотдаги ва билишдаги ўзига хосликларига ўз диққатини қаратиши лозим.

Ўқув йили якунида тарбиячи болалар томонидан ўқув дастурини ўзлаштириш даражаси ҳақида якуний педагогик кенгашга ҳисобот ёздаи ва болалар билан керакли натижага эришилмаган кўрсаткичларда тўхталиб ўтади, бунинг бажарилмаслиги сабабларини (айрим методикаларни эгалламаганлик, адабиётлар ва тарқатма материалларнинг камлиги, гуруҳ

техник воситалар билан керакли даражада таъминланмаган, боланинг касаллиги ва келмаслиги бўйича, ота-оналарнинг фаол эмасликлари ва ҳ.к.) кўрсатади.

IX боб. Ҳамкорлик

9.1. Оилалар билан ҳамкорлик

Бола ривожланишининг дастлабки босқичларида оиланинг туттган ўрни беқиёсдир. Болалар оилада тарбияланади ва унда юз берадиган воқеалар уларга жуда катта таъсир кўрсатади.

Кичкина болалар оиласа жуда боғланиб қолган бўлади, чунки оила:

- Уларнинг жисмоний жиҳатдан баркамол бўлишини, овқат, кийим-кечак, уйжой билан таъминлайди, соғлиғи ҳақида ғамхўрлик қиласади;
- Уларнинг ҳиссий бардамлигини, жумладан, меҳр кўрсатади, қўллаб-куvvатлайди, ниманинг яхшилиги, ниманинг ёмонлигини доимо эслатиб туради
- Уларнинг ривожланиши шарт-шароитларини таъминлайди.

Педагоглар боланинг дастлабки табиячиси сифатида оиланинг етакчи ролини тан олишлари муҳим аҳамият касб этади. Бошланғич мажбурий бир йиллик мактабга тайёрлов гуруҳга келгунга қадар оила болага маданиятни, муҳим ва энг зарур кўникмаларни сингдиришга улгуради. Болани мактабга тайёрлаш бола ва оила ўртасида шаклланган ана шу дастлабки муносабатларга таянган ҳолда ота-оналарга бошланғич мажбурий бир йиллик мактабга тайёрлов гуруҳлар фаолиятининг барча жабҳаларида иштирок этишга имкон беради.

Оилаларни жалб этиш мактабга тайёрлаш бўйича мажбурий бир йиллик мактабга тайёрлов гуруҳларда болаларнинг билим олиш фаолиятини бойитишда, бола қизиқишлиари ва уйдаги таълим-тарбия натижаларидан фойдаланишда муҳим ўрин эгаллайди. Болаларнинг муваффақиятли ривожланиши ва билим олишида икки таълим муҳити – уй ва мажбурий бир йиллик мактабга тайёрлов гуруҳларнинг бир-бири билан баҳамжиҳатлиги фоят муҳимдир.

Оилаларда болаларни мактабга тайёрлаш ишлари турлича олиб борилади. Баъзи оилаларда болалар билан кўп шуғулланилса ҳам, бу асосан ўқув машғулотларидир – ҳусниҳат ёзуви, алифбе ўргатиш, турли адабиётлар ўқиб бериш бўлиб, мактабгача ёшдаги болалар учун айниқса муҳим бўлган сюжетли ўйинлар, ҳаракат фаоллиги, тасвирий фаолиятга оид ишлар билан шуғулланмайдилар. Бошқа оилаларда болани ўйинчоқлар ва телевизор билан яккана-якка қолдириб, бу унга ёқади ва ривожланиши учун етарли билим беради деб ҳисоблашади.

Натижада айrim ҳолларда мажбурий бир йиллик мактабга тайёрлов гуруҳларга ривожланишида муайян муаммолари, мустақил фаолиятни етарли даражада амалга ошира олмайдиган, мақсадга эришиш учун иродаси бўш, ўзаро ҳурмат, умумқабул қилинган меъёр ва қоидалар асосида бошқалар билан биргалиқдаги фаолиятни ташкил эта олмайдиган болалар қабул қилинади. Бундан ташқари, айrim болаларда сенсор кўникмалари, тасаввурларининг ривожланмагани, ҳиссиёт оламининг қашшоқлиги кузатилади. Уйдаги таълим-тарбиянинг турли-туман шароитлари таъсирида болалар ривожланишининг алоҳида соҳалари бўйича эришилган натижаларнинг ҳар-хиллигини қайд этиш муҳим.

Бошланғич мажбурий бир йиллик мактабга тайёрлов гурухларга келаётган болаларга хос ана шу хусусиятларни таълим жараёнида албатта эътиборга олиш, уларни ота-оналар хоҳишига биноан ақлий ривожлантиришга эмас, балки умумривожлантирувчи вазифаларни ҳал этишга, бола шахсининг ҳар томонлама ривожланишига йўналтирган маъқул.

Ижтимоий-психологик муҳофаза, бола ютуқларининг муваффақияти унга ким ва қандай таъсир этаётганига боғлиқ. Вақтининг катта қисмини бола МТТ ва уйда ўтказади, шунинг учун педагоглар ва ота-оналарнинг таъсири бир-бирига зид бўлмаслиги, аксинча, бола томонидан ижобий ва фаол қабул қилиниши керак. Бунга педагоглар ва ота-оналар ҳамкор ва ҳамфирк бўлиб, тарбиявий муаммоларни баҳамжиҳатлик билан ҳал этиш орқалигина эришиш мумкин.

Педагоглар таълим жараёнини ташкил этишда ва бевосита педагогик жараённинг ўзига ота-оналарни жалб этишни, уларга болалар билан ривожлантирувчи ўзаро алоқалар шаклларни ўргатиш, болаларнинг таълим-тарбиясига доир методик ёрдам беришни назарда тутадиган оиласлар билан ижтимоий-педагогик ишларнинг аҳамиятга катта эътибор беришлари лозим.

Самарали фаолият юритиш ва оиласи МТТ ишига жалб этиш учун педагоглар ўзлари тарбиялаётган болаларнинг бирламчи вазифаларини билишлари, уларнинг оиласи ва яқин қариндошлари ҳақида муайян тасаввурга эга бўлишлари лозим. Бошланғич мажбурий бир йиллик мактабга тайёрлов гурухларга қатнаётган болаларнинг ота-оналари билан муваффақиятли ҳамкорлик қилиш учун МТТ ходимларига қуидаги фаолият йўналишларини тавсия этиш мумкин:

1. Ота-оналарда МТТ ходимлари билан ҳамкорлик қилишга интилишни шакллантириш.
2. Болаланинг имкониятлари, талаб-эҳтиёжлари ва қизиқишларни баҳолашда, унинг МТТ киришига кўмаклашиш.

Ота-оналарнинг педагогик компетентлигини ошириш ота-оналарга уйда бола билан машғулот ўтказиш учун зарур бўлган методик усулларни ўргатиш; ота-оналарга бола шахсини ривожлантириш учун хизмат қиладиган маҳсус тарбия усулларини ўргатиш

9.2. Болаларни бошланғич таълимга тўловсиз мажбурий бир йиллик тайёрлаш бўйича гурухлар ишига оиласларни жалб қилишнинг фойдалилиги

Ота-оналарнинг МТМ фаолиятига жалб этилиши болаларга ҳам, ота-оналарга ҳам, МТТ ҳам фойда келтиради. Мулоқот, ўзаро ҳурмат, турфахилликни, бола манфаатларининг муҳимлигини эътироф этиш самарали ҳамкорликка асос бўлиб хизмат қилади. Самарали ҳамкорлик шакллантирилиши учун педагоглар ва ота-оналар ўзларида янги кўникма ва билимларни ривожлантиришлари керак.

Педагог учун оила шунчаки таъсир обьекти сифатида хизмат қилмаслиги керак, болаларни бошланғич таълимга мажбурий бир йиллик тайёрлаш гурух педагоглари бола учун оила унинг шахс сифатида

шаклланишини белгилаб берадиган зарур мұхит әканини ўзлари ҳам тушунишлари, ота-оналарга ҳам тушунтириб беришлари зарур. Шунинг учун ота-оналарнинг педагогик жараён доирасига жалб этилиши, уларнинг фаол иштироки педагог шундай бўлишини хоҳлаши учун әмас, бу ўз боласининг ривожланиши учун мұхим бўлгани учун керакдир.

9.3. Ҳамкорлик имкониятлари

Оила аъзолариниг болаларни бошланғич таълимга мажбурий бир йиллик тайёрлаш гуруҳлар фаолиятида иштирок этиши учун турлича имкониятлар яратилади:

- Ота-оналар учун қулай вақтда оилаларга ташрифини режалаштириш педагогга болалар ва ота-оналар билан улар учун одатий вазиятда танишиш имконини беради;
- Ота-оналарга болаларининг қандай ишлаётганини ва ўйнаётганини кўриш учун истаган пайтда гуруҳга ташриф буюришига имкон бериш;
- Ота-оналарни гуруҳда болалар билан биргаликда шуғулланиш учун таклиф этиш, маълумот алмашиш тарзида педагог томонидан тақдим этиладиган болалар портфеолари ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларни билдириш;
- Ота-оналар педагогларга қандайдир оилавий воқеалар – туғилган қунлар, янги иш, қариндош ёки қўшни шаҳарга ташриб буюриш ҳақида хабар берган ҳолларда ушбу воқеаларни гуруҳдаги болалар билан мұхокама қилиш;
- Болалар билан тўлақонли мулоқот тажрибаси билан ўртоқлашиш имкониятини яратадиган мавзулар бўйича кўргазмалар;
- Боланинг миллий ва минтақавий маданиятни ўрганишга мўлжалланган музейларга биргаликда ташриф буюриш;
- Ота-оналар билан биргаликда байрам тадбирлари, болалар ишлари кўргазмаларини ташкил этиш.

Педагоглар ва ота-оналарнинг биргаликдаги фаолияти ва ўзаро мулоқоти учун кўплаб рангбаранг имкониятларнинг мавжудлиги ҳар бир оиланинг хусусий манфаатлари ва хоҳиш-истакларига мос келадиган ҳамкорлик шаклларни ишлаб чиқишига имкон беради¹⁴.

9.4. Оила билан мулоқот қилиши

Болалар юзасидан оилалар билан мулоқот юритиш – педагогик жамсаа вазифаларининг энг мұхим қисми. Ҳар бир оила болаларнинг камол топиши, уларнинг яхши ва бажонидил ўқишидан манфаатдордир. Эҳтимол, МТМ – бу болаларнинг олдиндан ташқаридағи илк тажрибаси бўлгани учун оила аъзолари унинг ютуқларидан боҳабар бўлишни истайди. Педагоглар бола ҳақидаги тасаввурларни чуқурлаштириш ва янада самарали фаолият юритиш учун ота-оналар билан боланинг уйдаги ва мактабдаги машғулотлари, унинг кучли ва заиф томонлари, ташвишлантираётган жиҳатлари ҳақида бажонидил мұхокама этишлари зарур.

Албатта, мулоқот очиқ-ошкора ва ишончли бўлиши учун вақт талаб этилади. Шунинг учун бошиданоқ ота-оналар билан сұхбатлашиш, оиладан тақдим этилаётган маълумотлар нақадар мұхим әканини тушунтиришлари керак. Диққат билан тинглай олиш – очиқ мулоқотнинг мұхим негизидир.

Мулоқот чоғида педагоглар ота-оналар учун тушунарли, аниқ тилда сүзлашиши, саволлар бериш учун уларга имкон қолдириши даркор.

9.5. Оилалар билан мулоқот қилиш тамойиллари:

- Ота-оналар учун вақт топинг, имконият туғдириңг, уларни ўз фикр-мулоҳазалари, қувонч-шоддиги, мақсадлари ва ташвиш-хавотирларини баён этишга даъват қилинг;
- Юзма-юз гаплашиш учун жой топинг, барча маълумотларни маҳфий деб қабул қилинг;
- Оилалар педагоглар билан ўзигагина тегишли шахсий маълумот билан ўртоқлашади, шунинг учун у сир сақланиши зарур. Сир сақлаш тамойилига педагог ҳам, оилалар ҳам риоя этиши лозим.

9.6. Кутувлар

Тажриба оиланинг ва педагогик жамоанинг мўлжаллари ёки мақсадлари ҳар доим ҳам мос келавермаслиги кўрсатади. Шунинг учун ҳам бола қабул қилиниши билан болаларни бошланғич таълимгага мажбурий бир йиллик тайёрлаш гуруҳлар дастурини ота-оналар билан муҳокама этиш ва бу борадаги мулоқотни йил давомида олиб бориш мақсадга мувофиқдир. Қарашлар ва мўлжаллардаги тафовут бир-бирини тушунмасликка ва мулоқотнинг издан чиқишига олиб келиши мумкин. Ота-оналарнинг таълим жараёнида бола нималаларга эришиши лозимлиги ҳақидаги мўлжалларини, улар учун "муваффақиятлилик" нимани англатишини аниқлаб олиш муҳим аҳамият касб этади. Ўқув йилининг бошидаёқ ушбу масаланинг муҳокама этилиши келгусидаги мулоқотни йўлга қўйишга ёрдам беради.

X боб. Ресурс таъминоти

Бошланғич таълимга болаларни мажбурий бир йиллик тайёрлаш бўйича гуруҳлар нинг ресурсли таъминоти¹⁵ - бу 6-7 ёшли болаларни тарбиялаш ва ўқитиш, ривожлантиришнинг самарали методларини ўзлаштираётган педагоглар учун мўлжалланган “Илм йўли” намунавий дастурининг ўқув-методик қисмидир.

Ресурсли материалларнинг мазмуни Ўзбекистон Республикасида илк ва мактабгача ёшдаги болаларнинг ривожланишига қўйиладиган Давлат талаблари билан, шу жумладан, мактабгача таълим ташкилотларининг амалиётчи-педагогларининг хоҳиш-истакларига мос ҳолда шакллантирилган ва педагогларнинг иши учун энг долзарб мавзуларни ёритиб беради:

¹⁵ “Илм йўли” Вариатив дастурига 1-илова, «Бошланғич таълимга болаларни мажбурий бир йиллик тайёрлаш бўйича битта гуруҳнинг моддий-техник асослар ва таълимий-дидактик материаллар билан жиҳозлаш меъёрлари».

болаларда хавфсиз хулқ-атвор қўниқмаларини ривожлантириш, отоналар билан ишлаш, боланинг ютуқларини кузатиш ва баҳолаш ҳамда бошқа шу кабилар.

Мактабгача таълим соҳасида миллий ва хорижий мутахасисларнинг тажрибалари 6-7 ёшли болаларнинг ривожланиши, тарбияланиши ва ўқитилиши учун ўз дастурлари ишлаб чиқиладиган, бошланғич таълимга мажбурий йиллик тайёргарлик бўйича гуруҳлар ташкил этилган ёки ташкил этилиши кутилаётган Ўзбекистон Республикасидаги мактабгача таълим ва умумтаълим ташкилотларининг педагогларига ёрдам беришга сафарбар этилган.

XI боб. Иловалар

1-илова. Болаларни бошланғич таълимга мажбурий йиллик тайёрлаш бўйича гуруҳларда ишловчи педагоглар учун тавсия

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 8 декабридаги “Бошланғич таълимга болаларни мажбурий бир йиллик тайёрлашга босқичма-босқич ўтиш бўйича чора-тадбирлар ҳақида”ги 999-сонли қарори билан мос ҳолда мактабгача таълим тизимини келгусида такомиллаштириш, соғлом, фаол, тўла ривожланган, ижтимоий мослашган бола шахсини шакллантириш, шунингдек, бошланғич таълимга болаларнинг сифатли тайёргарлиги ва келгусидаги муваффақиятли ўкув фаолиятига шарт-шароитларни яратиш мақсадларида республиканинг барча худудларида босқичма-босқич тарзда 6-7 ёшли бошланғич таълимга болаларни мажбурий йиллик тайёрлаш гуруҳлари ташкил этилади.

Мазкур гуруҳларда болалар ҳар томонлама ривожланадилар. Мактабгача таълим ташкилотларида мактабгача таълим билан қамраб олинмаган болалар билан ишлаш борасида ҳар қандай янги иш каби маълум бир қийинчилкларга дуч келади.

“Илм йўли” вариатив дастури муаллифлари томонидан мулкчилик шаклидан қатъий назар барча мактабгача таълим ташкилотларида 6 -7 ёшли болаларни бошланғич таълимга болаларни мажбурий бир йиллик тўловсиз тайёрлаш бўйича гуруҳлардаги педагогик жараённи тўлақонли равишда ташкил этишга ёрдам берадиган методик тавсияномалар ишлаб чиқилган.

Шуни кўзда тутиш керакки, мактабгача таълим қамраб олинган ва мактабгача таълим ташкилотлариға қатнамаган болаларнинг ривожланиш даражаси сезиларли равишда фарқланади. Айнан мана шунинг учун ҳам келгуси барча ишлар асосига ҳар бир тарбияланувчининг индивидуал қирралари ва интелелктуал имкониятлари синчиклаб ўрганилиши қўйилиши зарур бўлади.

Эслатиб ўтамизки, ўқитиш ва тарбиялаш тизими ҳам мактабгача таълим ташкилотида, ҳам оилада болалар фаолиятининг исталган тури кўринишида, шу жумладан, ўкув машғулотларида ўйинлардан фойдаланиш негизида олиб борилиши лозим.

6-7 ёшли болаларнинг ўқитилишини ташкил этиш мазкур гуруҳларда индивидуал, ҳамкорликдаги машғулотлар ёки ривожланиш марказларида кичик гуруҳлар бўйича дидактик ва ролли ўйинлар, кузатишлар, тажриба қилиш шаклида олиб борилиши мумкин.

Педагогларни дастур вазифалари соддалаштириладиган ва ҳар бир кичик гурухдаги болалар дифференцияланмайдиган вазиятларда амалда учраб турадиган хатоликлардан эҳтиёт бўлишларини таъкидлаб ўтамиз. Бундай вазиятларда юқори маҳорат ва кўникма даражасига эга бўлган болаларда дастур талабларнинг пасайтирилиши улардаги қобилиятларни сунъий равишда пасайтиради, машғулотга ёки ўйинга қизиқишнинг йўқолишига олиб келади. Пастоқ даражадаги маҳорат ва кўникмаларга эга болалар эса мураккаб вазифаларни уddyалай олмай қоладилар ва улар ҳам берилган вазифаларни бажаришга қизиқишларини йўқотадилар.

Боланинг индивидуал ўзига хосликларини билиш педагогларга ўқитшни муваффақиятли ташкил этишга имкон беради, ҳар бир бола ривожланишининг даражасини аниқлаш эса диагностик машқлар ёрдамида амалга оширилиш мумкин. Бунда битта болада нутқ маҳорати юқори, бошқасида эса тасвирий маҳорат паст бўлиши мумкин, буларни болалар билан ишлашда эътиборга олмаслик мумкин эмас.

Ўқитиш жараёнини бой ва турли-туман ўйинлар дунёси билан уйғунлаштириш бу жараённи мазмунли ва қизиқарли қиласи, исталган, ҳатто боланинг нуқтаи-назаридан бефойда ўқув топширикларини бажариш эса қизиқарли ва фойдали бўлиб қолади.

Ўқитиш жараёнига ўйинларнинг киритилиши болаларда таклиф этилаётган ўқув мазмунини эгаллаш истагини уйғотади, ўқув фаолияти мотивациясини яратади ва олинган натижалардан фахрланиш имконини беради.

Равшанки, ота-оналар педагогларнинг биринчи ёрдамчилари бўлишлари керак. Ўзаро ёрдамсиз ва бир-бирини қўллаб-куватлашларсиз болани тўлақонли ривожлантириш вазифасини бажариш мушкулдир. Отa-оналарга киши шахсининг бутун келгуси ҳаёти давомидаги ривожланиши асосларини таъминловчи босқич сифатида мактабгача бўлган даврнинг аҳамиятини, қадр-қимматини ва ноёблигини тушунтириш зарур бўлади.

Бошланғич таълимга болаларни мажбурий ишллик тайёрлаш бўйича гурухлардаги таълим жараёнини тузиш қуидаги бир қатор шарт-шароитларга жавоб бериши керак:

1. Мактабгача ёшдаги боланинг кун тартибида фаолиятнинг ҳар хил турларини – ўқув, ўйинли, меҳнат кабиларни мақсадга мувофиқ тарзда тақсимлаш, шунингдек, уларни дам олиш ва мусатқил машғулотларни навбатма-навбат қўллаш, бу болаларнинг чарчаб қолишлари олдини олади;

2. Мактабгача таълимнинг вариатив шаклларини ташкил этишда таълим ишлари мазмуни болалар фаолиятининг турли соҳаларини қамраб олиши, билимларнинг предметли соҳалари интеграцияланнишини таъминлаши, шахснинг таянч миллий маданиятини шакллантириши керак. Бу болага келгусида бошланғич мактабда назарий билимларни ва амалий маҳоратни муваффақиятли ўзлаштиришга ёрдам беради.

Болаларнинг тўлақонли психофизик ривожланиши учун энг муҳим шарт бўлиб атрофдагилар билан мулоқот қилишда қулай эмоционал психологик иқлиминг мавжудлиги ва унинг яратилиши саналади.

Бу ерда кўп нарса педагогнинг педагогик жараённи қанчалик тўғри ташкил эта олишига, барча режимли

лаҳзаларни амалга оширишига, болалар жамоасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солишига боғлиқ бўлади.

Педагогнинг профессионализми болалар билан мулоқот қила олишидан, улар орасидаги ҳамкорликдаги фаолиятда хойрихоҳларча муносабатларн ўрната олишидан, низоли вазиятларга йўқ қўймаслигидан ва болага ўз вақтида ёрдам бера олишидан иборат бўлади.

Мактабгача ёшдаги бола организмининг функционал ҳолатига сезиларли таъсирни ўқув машғулотлари кўрсатади. Фаолиятнинг бу тури боладан маълум бир уринишларни, ҳаракатли фаолликнинг чекланшини, позани кучайтиришни, дикқатни барқарорлаштиришни талаб қиласди.

Билишга доир фаолиятни ташкил этишда қуйидаги қоидаларга риоя қилиш керак:

- болаларнинг ёшга доир физиологик имкониятларига мослиги;
- дастурий материалларни соддадан мураккабга қараб берилиши босқичлилиги;
- фаолиятнинг турли хилларини мақсадга мувофиқ тарзда навбатма-навбат қўллаш ва ўз вақтида бир турдан иккинчисига ўтиш;
- машғулотлар ёки уларнинг қисмлари орасида динамик паузалар мавжудлиги;
- хонага ва материалларга гигиеник талабларни ҳисобга олиш;
- ўқув жараёнида дидактик тамойилларга риоя қилиш;
- болага индивидуал дифференциацияланган ёндашувни амалга ошириш.

Катта мактабгача ёшдаги болалар учун мабурий бир йиллик тайёрлов гуруҳларидағи таълим жараёнини ташкил этиш модели ўз ичига қуйидаги учта таркибий қисмларни олади:

1. Регламентланган ўқув машғулотлари блоки.
2. Болалар билан катта ёшли кишининг ҳамкорликдаги шериклик фаолият босқичи.
3. Эркин мустақил фаолият босқичи.

Мактабгача ёшдаги боланинг билишга доир ривожланиши таълим жараёнининг мана шу барча босқичларида амалга оширилади.

Мактабгача таълим ташкилотига 3,5-4 соатга келадиган болалар учун таълим жараёни максимал даражада ихчам тарзда ташкил қилиниши керак, бунда тифиз вақт шароитларида бола ривожланишидаги ҳеч қайси бир муҳим йўналиш кўзда қочирилмаслиги лозим. Бадиий китобларни ўқиш машғулотлар жадвалидан ташқарига бемалол чиқарилиши мумкин ва ота-оналарга уйда болага китобни қандай ўқиб беришни тушунтириш зарур бўлади.

Педагогик технологиялар катта ёшли кишининг бола билан ўзаро ҳаракатларининг барча йўналишларига келишилган ёндашувни амалга ошириш имконини беради.

Мактабгача бўлган болаликнинг ҳар бир ёш босқичида мазкур даврнинг ўзига хослигидан ва оила ҳамда мактабгача таълим ташкилотидаги шароитларида ҳал қилиш лозим бўлган вазифалардан максимал даражада фойдаланиш тамоилига риоя қилинади.

Таълим ишларини ташкил этиш ота-оналарга ва педагогларга болаларнинг тарбияланишига ҳамда ривожланишига ўз муносабатларини умумий мисоллар тўплами тарзида эмас, балки олдинги тажрибалари, қизиқишлари, қобилиятларини ҳисобга олиш билан бола ёшининг психологик ўзига хосликларини билиш асосида конкрет бола билан мулоқот қилиш санъати сифатида олиб қарашга ёрдам беради.

Оилада ва мактабгача таълим ташкилотида пайдо бўлган қийинчиликларни эътиборга олмаслик ҳам мумкин эмас. Фақат оила ва мактабгача таълим ташкилотининг хамкорлигига хоҳлананаётган натижага эришиш имконини беради.

Бошлиғич таълимга болаларни мажбурий йиллик тайёрлов бўйича гурухлардаги бола соғлигини мустаҳкамлаш ва уларнинг жисмоний ривожланиши билан боғлиқ ишлар қуидагиларга йўналтирилади:

- боланинг соғломлаштирилиши ва жисмоний ривожланиши масалаларида оиланинг компетентилигини ошириш;
- болаларда ўз соғлигига онгли муносабатни шакллантириш, уларни соғлиқни мустаҳкамлашнинг оммабоп усуслари билан таништириш;
- соғлиқ ҳолатининг индивидуал ўзига хосликларини ҳисобга олиш билан мактабгача ёшдаги болаларнинг ҳаракатли сифатлари ва қобилиятларини ривожлантириш.

Болалар билан ишлашда **нутқ ривожланиши бўйича** ижобий натижаларга эришиш учун мазкур гурухларга қатновчи болаларнинг ўzlари ҳақида тасаввурларга эга бўлиш лозим. Мактабгача ёшдаги болаларнинг нутқини ҳар томонлама текшириб чиқиш зарур бўлади. Текширишни болалар билан ишловчи педагоглар ва дефектолог (агар у бўлса) билан параллел равища олиб бориш лозим.

Натижалар таҳлили қуидагиларга имкон беради:

- мутахассисларнинг ёрдамига эҳтиёж сезадиган, нутқ ривожланиши суст ва патологияли бўлиган болаларни аниқлаш;
- болаларнинг нутқ ривожланиши даражаси бўйича етарлича контрастли бўлган кичик гурухларини ажратиб олиш, улардан биринчисига нутқнинг турли томонларини яхши эгаллаган мактабгача ёшдаги болалар, иккинчисига эса нутқи суст ёки ёмон бўлган болалар киради.

Кўплаб мактабгача ёшдаги болаларнинг коммуникатив ривожланиши етарлича қулай амалга ошади. Улар ҳам ўз тенгдошлари, ҳам катта ёшлилар билан алоқа ўрнатадилар, биргаликда ишлаш ва ўйнаш ҳақида келиша оладилар, ўзларича режа тузадилар; улар ўз илтимосларини ифодалаб бера оладилар, хабар бера оладилар ва шу кабиларни

амалга оширадилар; мулоқотнинг турли хил воситалари – нутқли, мимикали, қўл ҳаракати билан усулларни ўзлаштирган бўладилар.

Шу билан бирга тан олиш лозимки, мактабгача ёшда бўлган болаларнинг кўпчилик қисми коммуникатив фаолиятни эгаллашда маълум бир қийинчиликларни бошдан ўтказадилар. Бу қийинчиликлар ёрқин ифодаланган хусусиятга эга бўлиши мумкин, лекин улар кўпинча унчалик ҳам сезилмайдиган бўлади. Уларни болаларнинг катталар билан ўзаро ҳаракатлари, тенгдошлари, шериклик ўйинлари, биргалиқдаги ўйинлар тизимини синчиклаб ўрганиб чиқиш давомида аниқлайдилар. Катталар одатда бунинг сабабини бола характеристининг ўзига хосликларида деб биладилар, аслини олганда эса бундай ҳодисанинг илдизлари мактабгача ёшдаги боланинг шакллантирилмаган коммуникатив фаолиятидан излаш керак.

Мактабгача ёшдаги болаларнинг коммуникатив хулқ-атвори пайдо бўлиши билан боғлиқ бўлган педагог фаолиятида иккита асосий йўл белгиланади:

- бола томонидан ўз тенгдошларини англашини рағбатлантириш, улар билан ишбилиармонлик ҳамкорлигини ривожлантириш ва умумий қизиқишлиарни шакллантириш бўйича маҳсус ишлар;
- мактабгача ёшдаги боланинг турли хилдаги коммуникатив воситаларни (эмоционал мимикавий, пантомимик, қўл ҳаракати билан, сўзли) қабул қилиш ва улардан фойдаланиш қобилиятини такомиллаштириш.

Элементар математик тасаввурларни (математикани) ривожлантириш соҳасида мактабгача таълим мазмунининг асосий йўналишлари:

- сон ва миқдор ҳақида, шакл, қиймат ва уни аниқлаш усуллари ҳақида тасаввурларни шакллантириш;
- маконли-майдон ва вақт йўналишларини такомиллаштириш.

Ҳар бир йўналиш болалар учун оммабоп, конкрет бўлган мазмун билан тўлдирилади ва кўргазмали асосда атроф-муҳитдаги предметларнинг хоссалари (қиймати, шакли, миқдори) ҳақидаги тасаввурларни шакллантиришга ёрдам беради.

Педагогнинг ҳаракатларини қўйидагиларга йўналтириш лозим:

- болаларнинг яратувчанлик натижадор фаолиятига
- катталар билан билишга доир мулоқоти учун шарт-шароитларни таъминлашга, болада пайдо бўладиган саволларни муҳокама қилишга;
- мактабгача ёшдаги бола учун қизиқарли ва оммабоп бўлган ҳодисаларни кузатишларни коллекциялашга;
- маҳсус адабиётларни ўқишига;
- тажрибалар ўтказиш, кузатиш ва билишга доир фаолият жараёнини ва натижаларини бола билан муҳокама қилишга.

Бунда элементар математик тасаввурларнинг ривожланиши илм-фанга маълум бўлган тушунчалар ва боғлиқликлар бола томонидан мустақил равишда кашф қилинади, бола томонидан энг муҳим қонуниятлар ўрнатилади. Дидактик йийинлар, топшириқларни биргаликда бажариш ўқитиш жараёнини қизиқарли, оммабоп ва ривожлантирувчи ўқитишга айлантиради.

Билиш фаолияти боланинг олға силжишдаги индивидуал суръати билан белгиланади. Бунда дидактик таъсир кўрсатишларнинг мазмунини ва такрорланувчанлигини танлаб олишда индивидуал дозировкага эришиллади. Кузатишлар кўрсатадики, мактабгача ёшда бола унинг ўзи танлаб олган фаолият энг катта самарадорлик билан амалга оширилади.

Бу фаолиятнинг шиори бўлиб “Менга айт – мен ёддан чиқариб қўяман”, “Кўрсат менга – мен эслаб қоламан”, “Мени қизиқтир – мен ўрганаман” кабилар ҳисобланади.

